

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Кўлёзма асосида

УДК:616.36-002.14-053.2-08

МАХМУДОВ ДАВРОН ЛАЗИЗОВИЧ

Болаларда НСВ инфекциясининг йўлдош касалликлар билан кечиш хусусиятлари

БОЛАЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ!

Тақризчилар:

Таджиев Ботир Мирхашимович, тиббиёт фанлари доктори, профессор,
Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар бўйича
Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази директори (Ўзбекистон)
Юсупов Абзальджан Собирович, тиббиёт фанлари номзоди, доцент,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Болалардаги юқумли касалликлар кафедраси

Ташкент – 2019 йил

МУНДАРИЖА

АННОТАЦИЯ.....	3
КИРИШ	4
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ	7
1.1. «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она - соғлом бола»	7
1.2. HCV-инфекциясининг болаларда кечиш хусусиятлари	9
1.3. Болаларда HCV-инфекциясининг йўлдош касалликлар билан кечиш хусусиятлари	15
1.4. Болаларда йўлдош касалликлар билан HCV-инфекциясининг даволаш мезонларининг хусусиятлари.....	26.
1.5. I боб бўйича хулоса	32
II БОБ. МАТЕРИАЛЛАР ВА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ	34
2.1. Текшириш материаллари	34
2.2. Текшириш усуллари	34
III БОБ. ХУСУСИЙ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	46
3.1. HCV-инфекцияси аниқланган bemорларда натижаларнинг клиник таҳлили.....	46
3.2. HCV-инфекцияси аниқланган bemорларда лаборатор инструментал текширувлар таҳлили.....	51
3.3. III боб бўйича хулоса	59
ХОТИМА	61
ХУЛОСА	65
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР	66
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	67

АННОТАЦИЯ

Охирги йиллардаги адабиётлар ўрганиб чиқилганда болаларда HCV-инфекцияси йўлдош касалликлар кечиш хусусиятлари нисбатан камроқ ўрганилган, айниқса замонавий текшириш усулларини қўлланилиши мукаммалшгандан сўнг лозим бўлган даво муолажаларини тайинлашга енгиллик келтирмоқда. Шунга қарамасдан болаларда йўлдош касалликлар фонида HCV-инфекциясининг кечишини ўрганиш изланиувчи олдида қатор саволларни келтириоб чиқармоқда, шунинг учун муаммони имкон қадар ҳал этиш мақсадида олдимизга қўйидаги мақсадни қўйдик. Болаларда HCV-инфекциясини йўлдош касалликлар билан кечиш хусусиятларини ўрганиш ВГС нинг болаларда йўлдош касалликлари билан кечиш хусусиятларини ўрганиш. 2016-2018 йиллар давомида 3 ёшдан 18 ёшгacha HCV-инфекцияси билан оғриган 60 та бемор бола текширилди. Текширишлар ЎзР ССВ нинг Вирусология ИТИ клиникасида олиб борилди. Текширишни олиб бориш учун беморлар 2 та гурухга – асосий ва назорат гурухларига бўлиб ўрганилди. Назорат гурухдаги беморларда факат HCV-инфекцияси аниқланиб вирусли гепатит С ташхиси қўйилган бўлса, асосий гуруҳидаги беморларда HCV-инфекцияси йўлдош касалликлари билан бирга кечган ҳолати ўрганилди.

Болаларда йўлдош касалликлари билан кечадиган ВГС нинг генотипига қараб клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш.. Болаларда йўлдош касалликлари билан ВГС нинг мезонларини ўрганиш. Болаларда вирусли гепатит С йўлдош касалликлар билан кечганда нисбатан оғир кечади ва касаллик реконвалесценцияга ўтиш даври чўзилади. Вирусли гепатит С билан оғриган болаларда вируснинг генотипи ўрганилганда асаосан 1b ва 3 генотип кўп учраши қузатилди. 1b ва 3 генотипда йўлдош касалликлари мавжуд бўлган болаларда назорат гурухига нисбатан эрта муддатларда фиброз даражаси прогрессив ривожланиши намоён бўлди.

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги. Она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш мустақил Ўзбекистон соғлиқни сақлашининг барча тизимларида етакчи йўналиш бўлиб хизмат қиласи.

Ўткир юқумли ичак касалликлари хозирги кунга қадар соғлиқни сақлашнинг олдида долзарб муаммурлардан бўлиб келмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра хозирги кунда 170 млн дан ортиқ инсонлар HCV-инфекцияси билан оғриган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2010 йил маҳлумотларига кўра 100 минг аҳолига 34,3 кишини ташкил қиласи, болаларда эса 100 минг болага 1,84 болани ташкил қиласи. Сурункали гепатит С жигар хасталигини асосий сабабчиси ҳисобланади. Вирусли гепатит С юқумли касалликлар ичида етакчи ўринларда туради.

Ўткир гепатитнинг 85% сурункали гепатитга ўтиши натижасида жигар циррози, гепатоцеллюляр карцинома каби асоратларга олиб келади ва ўлим ҳолатлари кўп бўлганлиги сабабли юқори иқтисодий йўқотишларга олиб келиши ҳаммага маълум. МДҲ мамлакатлари учун вирусли гепатит С марказий муаммолардан бири ҳисобланади.

Сурункали гепатит С ўзининг долзарбилиги ва муҳимлиги билан инфекцион касалликлар ичида иқтисодий муаммоларга олиб келиши билан юқори кўрсаткичларни ташкил этади. Вирусли гепатит С геномининг вариабеллиги кўплаб типлар ва вирусининг квазивидларини шаклланишига олиб келди. Охирги маълумотларга кўра 6 та генотип ва кўплаб квазивидлар аниқланди. Сурункали гепатит С асоратлари, уларнинг интерферон препаратига юқори қаршилиги аниқланди. Бугунги кунда замонавий ташхислаш вирусли гепатит С билан оғриган болаларда генотипини аниқлаш клиник кечиши ва даволашнинг самарадорлигини баҳолаш асосий аҳамиятга эга.

HCV-инфекцияси болаларда кечиши ўрганилганда болалардаги йўлдош касалликлар мавжудлиги касалликнинг клиник кечишига ўз таъсирини кўрсатади. Болаларда тез-тез учрайдиган касалликлардан раЫит, камқонлик,

зотилжам, қон касалликлари бўлганда вирусли гепатит С касаллиги нисбатан чўзилувчан, оғир кечиши билан ажралиб туради. Бунда касалликни тўғри ташхислаш ва даволаш режасини тузиш муҳим аҳамият касб этади.

Охирги йиллардаги адабиётлар ўрганиб чиқилганда болаларда HCV-инфекцияси йўлдош касалликлар кечиши хусусиятлари нисбатан камроқ ўрганилган, айниқса замонавий текшириш усулларини қўлланилиши мукаммалишгандан сўнг лозим бўлган даво муолажаларини тайинлашга енгиллик келтиromoқда. Шунга қарамасдан болаларда йўлдош касалликлар фонида HCV-инфекциясининг кечишини ўрганиш изланиувчи олдида қатор саволларни келтириоб чиқармоқда, шунинг учун муаммони имкон қадар ҳал этиш мақсадида олдимизга қуидаги мақсадни қўйдик.

Тадқиқот мақсади. Болаларда HCV-инфекциясини йўлдош касалликлар билан кечиши хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари.

1. ВГС нинг болаларда йўлдош касалликлари билан кечиши хусусиятларини ўрганиш.
2. Болаларда йўлдош касалликлари билан кечадиган ВГС нинг генотипига қараб клиник кечиши хусусиятларини ўрганиш.
3. Болаларда йўлдош касалликлари билан ВГС нинг мезонларини ўрганиш.

Материаллар ва усуллар.

2016-2018 йиллар давомида 3 ёшдан 18 ёшгача HCV-инфекцияси билан оғриган 60 та бемор бола текширилди. Текширишлар ЎзР ССВ нинг Вирусология ИТИ клиникасида олиб борилди. Текширишни олиб бориш учун беморлар 2 та гуруҳга – асосий ва назорат гуруҳларига бўлиб ўрганилди. Назорат гуруҳдаги беморларда фақат HCV-инфекцияси аниқланиб вирусли гепатит С ташхиси қўйилган бўлса, асосий гурухидаги беморларда HCV-инфекцияси йўлдош касалликлари билан бирга кечган ҳолати ўрганилди.

Илмий янгилиги. Болаларда HCV-инфекцияси Ўзбекистон худудида тарқалиши кенг ўрганилган. Илмий изланишда болаларда HCV-инфекциясининг йўлдош касалликлар билан бирга кечганда клиник-лаборатор хусусиятлари ўрганилди. Бунда касалликнинг бошланғич белгилари, клиник сиптотомларнинг намоён бўлиши ва кечиш давомийлиги, даволаш чора-тадбирлари қўлланилганда вирусга қарши препаратларнинг имкон қадар кам заарли, болаларга мос мутаносибини танлаш жараёнлари тасдиқланди.

Амалий аҳамияти. Олинган маълумотлар касалликни эрта ташхислашга ва шунга қараб ўз вақтида лозим бўлган даво чораларини қўллашга ёрдам беради. Бу амалиётда ишлайдиган шифокор инфекционистларга ва умумий ам алалиёт шифокорларига ёрдам тариқасида тавсия этилади. Магистрлик диссертациясида кўриб чиқилган муаммонинг долзарб томонлари Вирусология ИТИ клиникаси ва Тошкент шаҳар 5-сонли юқумли касалликлар клиник шифохонасида амалиётга тадбиқ қилинишига тавсия этилди ва қўлланилди.

I БОБ

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “соғлом она - соғлом бола”

Мамлакатимизда умумэътироф этилган шиор — "Соғлом она — соғлом бола" тамойили, ўз моҳиятига кўра, аҳолини жипслаштирувчи ва сафарбар этувчи даъват бўлиб, давлат ва жамият даражасига кўтарилган устувор вазифага айланди.

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, бу йил мамлакатимиз аҳолиси 33 миллион кишидан ошди. Бу, албатта, кичкина рақам эмас.

Шунинг учун ҳам, фуқароларимизнинг ижтимоий ҳуқуқларини рӯёбга чиқариш, жумладан, улар учун муносиб шароит яратиш, ёшларни ўқитиш ва қасбга тайёрлаш, иш ва уй-жойлар билан таъминлаш каби ҳаётий масалаларни ҳал этишимиз лозим.

Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаётий қоиданинг ижросини таъминлаш – ҳалқимиз генофондини асрар ёки оддий қилиб айтганда, давлат ва жамият тараққиётининг кафолатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшни ташкил этди. Болалар ўлими 3 баробар камайишига эришилди. Биз бу борадаги натижаларимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш бўйича муҳим амалий дастурлар қабул қилинмоқда.

Мана, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Соғлиқни сақлаш тизимини 2019-2025 йилларда ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Бугунги куннинг талаби бўлган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Кўрилган чоралар туфайли 2018 йилнинг ўзида 400 дан ортиқ хусусий тиббиёт масканлари ташкил этилди.

Йиғилишда тиббиёт соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги пайтда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар эътироф этилди.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштиришга оид қарор ижроси доирасида 793 қишлоқ врачлик пункти негизида қишлоқ оиласий поликлиникалари, 441 тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилгани, фаолияти тутатилаётган 658 қишлоқ врачлик пункти бинолари хизмат уйи сифатида фойдаланиш учун шифокорларга берилганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, шу йилнинг ўзида жойларга етказиб берилиши керак бўлган 1 минг 200 «тез ёрдам» машинасидан 1 июлгача жами 646 дона автотранспорт, жумладан, Тошкент шахри бўйича 126 дона Damas етказиб берилгани муҳим амалий қадам ҳисобланади.

Ушбу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсақ, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий мухит ва одоб-ахлоқ, оилани мустаҳкамлаш, оила ришталари барқарорлигини таъминлашга мамлакатимизда ҳар доим катта эътибор қаратилган ва бугунги кунда ҳам бу анъана юксак қадрланади. Ўйлайманки, соғлом оила, оиладаги соғлом мухит соғлом бола туғилишида қандай улкан аҳамиятга эга эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ [1,2,3].

1.2. НСВ-инфекциясининг болаларда кечиши хусусиятлари

Ҳозирги вақтда жигар касалликлари ичида сурункали вирусли гепатитларни даволаш муаммоси долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. [63, 117].

Сурункали гепатит — бу жигарнинг яллиғланиш жараёни бўлиб, 6 ой давомида тузалиш содир бўлмаганда кузатилади. Бу касалликни гепатотроп хусусиятга эга бўлган В, С, D, G ва TTV вируслари ва кам ҳолларда бошқа вируслар (цитомегаловирус, Эпштейна - Барр вирус ва бошқалар) чақиради [44].

Сурункали вирусли гепатит кенг тарқалган инфекцион патологиядир. Ҳозирги кунга қадар касалликлар орасида 14 ёшгача болалар орасида сурункали вирусли гепатитлар катта ўринни эгаллаб туради. [2, 13, 30, 33, 106]

Гистологик жиҳатдан касаллик кетишига қараб сурункали персестив гепатит (СПГ яхши оқибатли) ва сурункали фаол гепатит (СФГ) тавофут қилинади. Бу икки ҳолатни бир-биридан фарқ қилиш клиникасига қараб ажратилади. Бунда гистологик текширувлар ёрдам беради. СПГ оралиқ пластинкани парчаламайди, яллиғланиш жараёни фақат портал майдон йўналиши бўйлаб ривожланади (портал гепатит). СФГ да эса оралиқ пластинка заарланади, яллиғланиш жигар бўлакчаларга тарқалади. Агар яллиғланиши инфильтрацияси бўйлаб бириктирувчи тўқима ҳосил бўлса ва тугунча – регениратлар ҳосил бўлса, жигар цирози ўтаётган СФГ ҳақида гап боради. [1, 18, 36, 65, 97]

Охирги йилларда касаллик сабаблари ва тарқалиш ҳоллари ҳақида янги маълумотларни ва билимларни ўрганишга қарамай бу касаликни тобора ортиб бориши кузатилмоқда. Касалликнинг сурункали турига ўтища экологик омиллар, шароит таъсири, этиотроп даволаш ва патогенетик даволашнинг баъзи ҳолларда самарадорлиги, баъзида эса фойдасизлиги сабаблари охиригача ўрганилмаган. Шу сабабдан бемор иммун системасидаги ўзгаришларни ўрганиш, ҳам организмнинг ҳимоя

сифатини, ҳам жигарнинг қай даражада заарланишини ўрганишга қўл келади. [6, 19, 56, 108].

Вирусли гепатит С нинг субклиник ва сурункали ўткир иннапарант турда кечиши организмнинг иммунореактив ҳолатини қай даражада эканлигидан далолат беради., яъни касалликни субклиник ва иннапарант шаклда кечиши организмнинг иммун реактив хусусиятини тўлиқ эмаслиги ва касалликнинг чўзилган, сурункали турига ўтишига сабаб бўлади. Беморларда бирор бир сурункали йўлдош касалликлари бўлса, бундай bemorларда вирусли гепатит С касаллигининг кечиши кўпчилик ҳолларда сурункали формага ўтиши кузатилади. Бу ҳам организмнинг иммун тизимида турли хил ўзгаришлар борлигидан далолат беради ёки иккиламчи иммунотанқислик ҳолатларида ҳам касаллик қўпчилик ҳолатларда ёмон оқибат билан тугалланади [9, 41, 60, 101].

СВГ лардаги жигар заарланишда ўткир гепатитлар сингари иммунокомпонент тизимларини бирга тутувчи гепатоцитлар бўлиши ўзаро натижасидир [20].

Фарқи СВГ ларда бу ўзаро таъсири етарли кучга эга булмайди. Ва вируслар элиминацияси қийинлашади ёки амалга ошмайди. СВГ да бу таъсир иммун жавобини генетик кучсизлиги оқибатида кечади. Бундай bemorларда иммунитети хужайра звеносини кўрсаткичлари (Т-лимфоцитлар, Т-хелпер, Т-супрессор, Т-киллер ва бошқа). Бир хил даражада паст бўлади. Бунинг оқибатида вирус элиминацияси амалга ошмайди, шу билан бирга жигардаги яллигланиш кучсиз бўлади, шунинг учун касаллик узоқ кетиши мумкин, яъни лиенал гепатит ёки вирус ташувчи қўриниш юзага келади. СВГ юқори фаолликда кечганда иммун звеносида яққол дисбаланс ҳосил бўлади. Бунда Т-супрессорлар камаяди, Т-хелперлар ўзгармайди. Оқибатда β-хужайрани звено фоаллиги ортиб гиперглобулинемия ҳолати юзага келади. Вирусга қарши антитаначалар купайиб кетиши цитотоксик реакцияларни кучайтиради, бунинг оқибатида иммуноагрессия ҳолати ва жигарнинг иммун комплекслар таъсирида заарланиш кучаяди [4, 15, 28, 64, 109].

Одатда бунинг оқибатида гепатоцитлар мемранаси липопротеин қобиги ёт жисмли (антigen) вазифасини бажариб, Т-киллерлар ва К-хужайралар хужумига олиб келади. Натижада мүлжал хужайралар яъни жигар паренимасини лизиси кучаяди. СВГ патогенезида С, Д гепатитлар вируслари алоҳада ўрин тутади. Бунда СВГ огирилик даражаси канча кўп бўлса, С ва Д вируслар топилиши салмоғи ҳам шунча кўп бўлади. Бундай килиб СВГ лар патогенезида қуидагилар муҳим омилларини кўрсатиш мумкин:

1. С ва дельта вирус гепатити билан заарланиш.
2. Вирус антигенларига қарши қаратилган маҳсус антитаначалар ишлаб чиқарилиши кучайган ҳолда ҳам вирус репликациясини узоқ вақт сақланиши.
3. Т-супрессорлар миқдори кескин пасайиши ҳисобига Т-хужайрани иммунитет звеносини дисбаланси.
4. Макрофагал фаоллигнинг етишмовчилиги.
5. Интерфероногенез тизимини сустлиги.
6. Вирус антиген тутувчи гепатоцитлар мемранасига эффектор хужайраларни таъсири ва жигарига хос липопротеин.
7. Липидлар пероксидация жараёни ва лизосомал протеиназалар фоалигини кучайиши.
8. Жигарни аутоиммун жараёнга кўшилиши [10, 24, 53, 92].

Жигар патологияси ривожланиши иммун механизм хакидаги таасуротлар одамда ген деб номланувчи ва хромасома киска елкасида жойлашган HLA деб белгиланувчи антигенлар асосий комплекси хакидаги тушунча билан узвий боғлик. HLA молекуласининг 3 та синф бор.

Гистомослашув асосий комплексининг молекуласи ёт антигенларга иммун жавоб учун зарур булган Т-лимфоцитлар селекцияси вазифасини бажаради. Уз антигенларига иммун жавобнинг булмаслиги клонал делеция (йук килиш) йули билан амалга оширилади ва бу тимусдан танилмаган (презентация килинмаган) антигенларга иммунологик толерантлик хосил

килишга олиб келади. Вирусли В, С ва Д гепатитларнинг гистомослашув асосий комплекси антигенлари билан бөгликлек яккол намоён булмаган. Лекин HBV ва HCV – инфекциянинг таркок иммун куринишлари DR3 ва DR4 гаплотипли беморларда купрок аникланган яъни жигар аутоиммун заарланиши билан бирга кечган. Хозирги вактга келиб сурункали гепатит хосил булишида иммун механизмлар асосий роль уйнаши исботланган. Хужайраларни иммун механизмлар гепотоцитларни парчаласи учун сурункали гепатитларда вирус оксилярининг хужайра-нишонлар юзасида жойлашиши талаб этилади [14, 32, 73, 95].

Эффектор хужайраларнинг хужайра – нишонларга бирлашиши ва уларни парчаласида лимфокинлар ва хужайра ичи адгезив молекулалар иштирок этади.

Жигарнинг вируслар билан заарланиши ривожланиши ва кечишида асосий урин цитокинлар – эндоген биофаол моддаларга тегишли булиб улар хужайралараро узаро таъсирни амалга оширади. Цитокинлар куплаб гетероген оксиляр гурухи булиб организмнинг турли типдаги хужайралари, биринчи навбатда ташки таъсир окибатида фаоллашган лимфоцитлар, моноцитлар тукима макрофоглари томонидан ишлаб чикилади ва уз навбатида лимфоцкинлар, монокинлар, интерлейкин деб номланади. Цитокинлар яллигланиш, иммун, аутоиммун реакциялар, хужайралар пролеферацияси ва апоптози, оксиляр, липидлар ва углеводлар алмашинуви фаоллигини бошкаради, организм ички мухити доимиийлигини саклайди. Цитокинлар юкорида курсатилган жараёнларни фаоллаштириши ёки сусайтириши мумкин, синергист ёки антогонист булиши мумкин. Цитокинлар жигар хужайралари узаро алокасини ва жигарнинг бошка аъзолар орасидаги алокасини хам физиологик хам патологик, жумладан сурункали гепатит, холатларида бошкаради. Цитокинларнинг якуний биологик таъсири натижаси уларнинг сони, турли цитокинларнинг синтези кетма – кетлиги, узаро ва бошка биофаол моддалар билан (гармонлар, усиш фактори ва бошка) узаро таъсирига бөглиқ [27, 77, 110].

Яллигланишга карши цитокинларнинг яллигланиш чакиравчи цитокинлардан устун келиши заарланган гепатоцитлар лизиси ва вирус танаачаларининг элеменацияси бузилишига олиб келади ва сурункали яллигланиш ривожланади. Буни ВГСда кассаллик фульминант кечишига олиб келувчи гиперергик иммун реакциянинг жуда кам холларда учраши билан тушунтириш мумкин. Шу билан бирга аутоиммун гепатитда яллигланиш инфильтратларида Tx – 1 сони Tx – 2 сонидан юкори булади.

Иммунорегулятор механизмларнинг бирламчи (генетик дефектлар) ёки иккиласи (экзоген омиллар таъсирида) бузилиши иммун тизими дисбалансига олиб келади ва иммун жавобнинг патологик у ёки бу куриниш юзага чикишини таъминлайди [8, 49, 89].

Жигар яллигланиш бирламчи медиаторлари – цитокинлар синтези ва секрециясини амалга оширади. Улар орасида яллигланишни қучайтирувчи таъсирга эга булганлари кўйдагилардир:

- туморнекрозловчи омил (TNF - а)
- интерлейкин6,8, 1 β (ИЛ – 6, ИЛ – 8, ИЛ 1 β)

ИЛ 1 β эндоген биологик фаол медиатор булиб носпецифик таъсири курсатади, биринчилардан булиб организмнинг вирусга карши жавобига кушилади. ИЛ 1 β Т ва В лимфоцитлар фаоллигини оширади, улар цитотоксик хусусиятини қучайтиради, ИЛ – 6, ФНО – а ва бошкалар синтезини оширади. ИЛ – 6 лимфоцитлар томонидан синтез килинади. Лекин у гепатоцитлар, Купфер хужайралари, жигаричи ут йуллари эпителиоцитлари томонидан хам синтез килинади.

ИЛ – 6 яллигланиш, иммун, метаболик жараёнларни тезлаштиради, хужайра пролиферациясида муҳим роль уйнайди. Жигар ТМФ – а синтезини хам амалга оширади.

ФНО – а – куп функционал цитокин булиб, кучли плейотроплик хусусиятига эга, махаллий, умумий ва таркок патологик жараёнлар ривожланишида асосий урин тутади ФНО – а иммун жавоб, яллигланишни оширади. Т ва В лимфоцитлар, табиий киллер – хужайралар фаоллигини

оширади, гепатотоксик таъсирга эга, заарланган (жумладан вирус билан) хужайралар апоптозида иштирок этади. Жигарда цитокинлар синтезидан ташкари куйидаги реакциялар амалга ошади.

- кучли vezokonstriktor булган эндотелин 1 таъсирида жигар кон айланиши бузилади.

- купфер хужайралари фаоллаштирган тромбоцитлар томонидан жигар синусоидлари беркилиб колади.

- эндотелиал хужайралар ва лейкоцитлар нобуд булади, синусоидларда фибринли микротромблар хосил булади.

- жигар массив некрози (ишимия натижасида)

Гепатоцитлар синусоидал эндотелиал хужайралари ва купфер хужайралари яллигланиш реакциялари асосини ташкил этувчи триада хисобланади. Купфер хужайралари TNF – а, ИЛ – 6, ва ИЛ -8 нинг асосий синтезловчисидир TNF – а куплаб хосил булганда жигардан умумий кон айланиш тизимиға утади. Эндотелиал, купфер, синусоидал, юлдузсимон хужайралар ва гепатоцитлар юзасида хужайралараро адгезион молекуляр экспрессияси юзага келади (*intracellular adhesion molecule ICAM – 1*). Бу молекуляр экспрессияси TNF – а, ИЛ – 6, ИЛ – 8 цитокинлари томонидан кучаяди [54, 75, 105].

Яллигланишнинг иккинчи медиатори ИЛ – 8 хам купфер хужайралари томонидан синтез килинади. Эндотоксемия, реперфузион синдром ва алкоголи эксцессда унинг фаоллиги ошади.

Эндотоксин молекулалари ва TNF – а нейтрофилларни купгина биофаол моддалар ишлаб чикишга ундейди. Яллигланиш жойида куплаб микдорда водород пероксиди, кислород радикаллари, элестаза ишлаб чикилади ва тупланади. Бунинг окибатида каталаза фаоллиги сустлашади водород пероксид ва кислород фаол радикалларини нейтралловчи гепатоцеллюляр фаоллик хам сустлашади.

Купфер хужайралари синусоидларга тупланаётган нейтрофиллар апоптозини кучайтиради. Бунинг натижасида хосил былаётган колдик

моддалар конга кетади ва синусоидал хужайралар ва гепатоцитларга таъсир курсатади. Токсинлар таъсирида купфер хужайралари ва гепатоцитлар ИЛ – 8 ни синтез килади, у эса нейтрофилларни фаоллаштиради. TNF – а ва ИЛ 1 β таъсирида нейтрофиллар юзасида интегринлар экспрессияси юзага келади. Купфер хужайралари, гепатоцитлар ва липоцитлар юзасида эса адгезив молекулалар экспозицияси булади. Кейинчалик TNF – а нейтрофилларнинг водород пероксиди ва кислород фаол радикалларини ишлаб чиқаришини тезлаштиради. Интегринлар ва тукималарарапо адгезив молекулаларнинг узаро таъсири цитокинлар, жумладан ИЛ – 8, хосил булишини оширади. Бу эса яллигланишни ушлаб турувчи ёпик тизим хосил булишидир [29, 80].

Шундай килиб I типдаги яллигланиш (бирламчи заарланишга жавоб) бошиданок жигар синусоиди зонасида мураккаб хужайраларарапо таъсири занжирни хосил булади. Бу жараёнда жигар парчаланиши маҳсулотлари, комплемент фаол кисмлари, иммун комплекслар ва лимфокинлар иштирок этади. Синусоидал хужайралар иккиламчи стимуллар, биринчи навбатда эндотоксин, таъсирига юкори сезувчан булиб яллигланиш асосий омилли булиб колади. Улар кейинчалик жараёнга кон лейкоцитларини жумладан нейтрофилларни, кушиб, кучли цитопатоген патонцеал хосил килади ва у эндотоксин таъсирида ишга тушади.

Цитокинларнинг куплаб ортикча хосил булиши, патологик жараённинг кучайиб паранхиматоз хужайраларни заарлаб пироген эффект, диарея, тана вазни камайиши, анемияга олиб келади [57, 100].

1.3. Болаларда HCV-инфекциясининг йўлдош касалликлар билан кечиш хусусиятлари

Гепатит ривожланиб борган сари жигарда нафакат яллигланиш медиаторлари, балки ингибиторлари хам йигилиб боради жумладан уша купфер хужайралари куплаб Е гурухли простагландинлар ва уткир фаза оксили (α -2- макроглобулинлар) ишлаб чиқаради. Улар протеазларни нейтралайди, фагоцитлар распиратор портлашини тухтатди. ИЛ-6 маълум бир этапда гипоталамусда кортикотропин-рилизинг омили синтезини

кучайтириб гипоталамо-гипофизлар- буйрак усти бези занжирини ишга солади ва яллигланишига карши таъсир утказади. Бошкача айтганда Купфер хужайралари I типдаги яллигланиши нафакат тригери балки модулятори хам булиб хисобланади.

Хозирги пайтда хужайралар нобуд булишининг бошка механизми – апоптоз (ўзи программалаштирилган хужайра улими) кўп ўрганилмокда. Патология пайтида апоптоз интерлейкин, лимфокин ва бошқалар томонидан кучайтиради. Бу борада купрок трансформацияловчи усиш омили (TGF) урганиляпти. TGF таъсирида цитоплазматик усмалар пайдо булади, хроматин ядро атрофида тупланади, ядро булакларга булинади, органелалар цитоплазматик бурмаларда тупланади. Кейинчалик хужайра хам булакланиб апоптик таначалар хосил килади. Апоптоз жигар патологиясининг куп учрайдиган куринишидир. Апоптоз уткир ва сурункали вирусли гепатитлар гепотоцеллюляр корцинома каби касалликлар ривожланишида асосий урин тутади, аутоиммун гепатитлар, бирламчи билиар цирроз морфогенезида иштирок этади. Вирусли гепатитларда апоптоз хам вирус таъсирида хам иммун реакциялар таъсирида кучаяди. Гепотоцитга вирус тушганда апоптоз юзага келишини химоя реакцияси деб караш мумкин чунки нобуд булган хужайраларда вирус репликацияси мумкин эмас [7, 68, 81, 107].

Лекин жигар инфекцияларидаги апоптознинг асосий сабаби вирусни тугридан – тугри таъсири эмас балки гепатоцитларда урнашиб олган вирус антигенларига карши иммун жавоб реакциясидир ва у Т лимфоцитлар томонидан амалга ошади. Т-лимфоцитлар гепатоцитлар апоптозини 2 хил йул билан амалга оширади. Биринчи холда Т лимфоцитлар перфериин ишлаб чикаради. У эса гепатоцитлар мембраннысида тешиклар хосил килади, бу тешиклар оркали гранзимлар –Т - лимоциттар доналар- ичкарига киради. Охиргилари узида протеазлар тутгани учун проапоптоз омил хисобланади. Иккинчи йул заарланган гепатоцитлар юзасида тупланган Fas – антигенларга Т лимфоцитларнинг таъсири билан амалга ошади. Fas антиген усиш омили ва усмалар некрози омили рецепторлари оиласига мансуб булиб

жигарда Т хужайралар томонидан ишлаб чикарилган Fas – лигандалар рецептори хисобланади. Лиганданинг Fas – рецепторга бирлашиши гепатоцитлар апоптозининг сабаби хисобланади [31, 78, 83].

Айтиб утиш лозимки жигар кучсиз заарланганда апоптоз, кучли заарланганда эса некротик жараёнлар устун туради. TNF-а нинг куп ишлаб чикарилиши гипатоцитлар хажмини тахминан 20% га оширади ва биз буни касаллик клиникасида гепатомегалия шаклида курамиз. TNF-а таъсирида митохондриал нафас олиш бузилиб (оксидланиш ва фосфорлаш бузилади) гепатоцеллюляр апоптоз кучаяди. Купфер хужайраларида TMF а ва ИЛ -6 ишлаб чикарилиши ИЛ-1\3 томонидан тезлаштирилади хамда холестазга олиб келади. Бир вактнинг узида ут каналчаларига транспорт вазифасини утовчи СМОАТ|МКР фаоллиги секинлашади, каналларга органик анионлар, жумладан билирубин конъюгатлари утиши хам секинлашиб конда гипербилирубинемия юзага келади.

TNF-а натрийбоглик ташувчилар ёрдамида аминокислоталар боғланишини кучайтиради. Натрийнинг йигилиб колиши хужайра шишига олиб келади.

TNF-а ИЛ -6 билан бирга уткир фаза оксиллари синтезини тезлаштиради ва улар циркуляцияга кушилади.Хужайра энергия ишлаб чикиши бузилади, апоптез тезлашади. TNF-а ИЛ-8 билан бирга ут кислоталарини ташувчи натрий boglik траспортер ишини ва ут кислоталар ва органик анионларни ут йулларига секрециясини бузади [21, 67, 84].

Яллигланиши уткир фазасида фибриноген, гаптоглобулин, а-макро глобулин ва орозомукоид_куплаб ишлаб чикарилади. Цитокинларни куплаб ишлаб чикиш вактида жигар органик анионлардан тозаловчи аъзодан уларни купайтирувчи аъзога айланади хамда кон рН курсаткичини камайтиради [55].

Қонда биохимик ўзгаришлар хусусияти эса касалликни клиник кечишини ўзига хослигини билдиради ва узоқ гипербилирубинемия, қон зардобида боғланган билирубин миқдорини ошиши, жигар хужайралари

ферментлари фаоллигини ошиши (АЛТ, АСТ, Ф-1-ФА ва бошқалар), диспротеинемия (альбумин пасайиб, глобулин фракцияларининг ортиши), қон ивиш омилларининг пасайиши (протромбин, фибриноген, проконвертин ва бошқалар) кузатилади, лекин булар маҳсус ташхисот усулларига кирмайди. Кондаги биохимик ўзгаришлар бошқа этиологияли ВГ да кузатилади. Гепатит В ўзига хослиги шундаки улар яққол бўлиб, узок сақланади ва бу гепатит А га хос бўлмайди. [12, 62, 99].

Вирусли гепатитларни оғирлик даражаларини замонавий баҳолаш, жигарнинг массив некрозини аниқлаш имконияти ҳозирги кунга қадар долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Жигарнинг чукур комаси вақтида замонавий даволаш усуллари ҳам самарасиз бўлиб қолади. Клиник текширишлар эса ҳамма вақт ҳам касаллик оғирлигини, кома олди белгиларини кузатилмаслигини таъминлайди. Бу эса вирусли гепатитларни оғирлик даражаларини, жигар комаси ривожланиш хавфини баҳолашни қўшимча мезонлари сифатида бирор бир лаборатор текшириш усулларини қидиришни талаб қиласи. Текшириш давомида қонда коагулограммани назорат қилиш бунга қизиқиш уйғотди. Бу жигарнинг қон ивиш жараёнини бошқарилишини назоратини билдиради. Жигарнинг турли патологияларида, хусусан вирусли гепатитларда коагулопатияларнинг ривожланиши бунинг хаққонийлигини билдиради. [22, 96]

Протромбин қон ивишида иштирок этадиган асосий қон оқсилларидан бири ҳисобланади. Тромбокиназа ферменти таъсирида гидролитик парчаланиб, қон ивишининг асосий ферментларидан бири бўлган тромбинга айланади. Протромбиннинг қон плазмасидаги миқдори 1,4-2,1 мкмоль/л ни ташкил қиласи. У гликопротеин ҳисобланиб, ўзида гексозалар, гексазаминазалар ва нейрамин кислоталари бўлган 11-14 % углеводлардан ташкил топади. Протромбин электрофоретик ҳарактчанлигига қараб α_2 – глобулинларга киради ва молекуляр массаси 68000-70000 Да бўлади. Тозаланган протромбиннинг изоэлектрик нуқтаси ўртача pH – 4,2-4,4 ни ташкил қиласи. Ушбу оқсил жигарда синтезланади. Уни синтезида Витамин

К иштирок этади. Протромбиннинг махсус хусусиятларидан бири ўзига 10-12 та кальций ионларини биректириб олади. [16, 47, 98]

Жигар оқсиллар синтези учун марказий ўринни эгаллади. Бунда плазма оқсилларининг асосий қисми, қон ивиш тизиминин оқсиллари, ферментлар жигарда синтезланади. Плазма альбумининг ҳаммаси, 75-90% α-глобулинлар ва 50% β-глобулинлар гепатоцитларда синтезланади. Бизга адабиётлардан маълумки, протромбин α_2 -глобулинларга киради. Бу қон ивишда иштирок этадиган оқсилларнинг барчаси (протромбин, фибриноген, проконвертин, проакцелерин) фақат жигарда ҳосил бўлади. Жигарнинг оғир шикастланишларида қон ивиш тизими бир қатор оқсиллари синтезининг бузилиши геморрагик белгиларнинг пайдо бўлишига олиб келади. [48, 102]

Вирусли гепатитларда коагулограмма протромбин комплекси кўрсаткичларини аниқлашга асосланади ва бунинг камайиши жигарнинг паренхиматоз шикастланишидан коагулопатиялар ривожланишини кўрсатади. Бу ўзгаришлар томир ичи ивиш коагуляциясида бошқа кўрсаткичларни ҳам ҳамкорликда ўзгаришини (фибриноген таркиби, В фибриногенни аниқлаш, фибриназа фаоллиги, фибринолитик фаоллик) текширишни тақазо этади. Бундан ташқари жигар фаолиятини қон ивиш тизимиға фаол қатнашишини билиш учун тромбоцитлар микдори, қон кетиши давомийлиги, капиллярлар резистентлиги кўрсаткичлари аниқланади.

Коагулограммага алоқадор протромбин индекси кўрсаткичи чўзилган тўлқинсимон ва сурункали гепатитларда касаллик хуруж даврида сезиларли камаяди. [17, 79, 93].

Гепатит В да касаллик авжида ПТИ, фибриноген, проконвертин микдори камаяди, жигарни субмассив ва массив некрози билан кечувчи оғир шаклларида кузатилади. ПТИ ни тушиши доимо ёмон оқибат ҳақида хабар беради. [59]

Жигар фаолиятининг сезиларли бузилиши вирусли гепатитнинг оғир шаклларида оқсил алмашинувини бузилишига олиб келади. Бу эса қон ивиш тизими омилларининг синтезини камайишига сабабчи бўлади ва геморрагик

синдромга ўхшаш белгиларнинг пайдо бўлиши прогностик жиҳатдан салбий томонга ривожланаётанидан дарак беради. Жигар энцефалопатиясида геморрагик синдромнинг ривожланишининг асосий патогенетик звеноларидан бири бўлиб, томирлар мемранаси ўтказувчанлигининг ортиб кетиши билан шикастланиши ётади. Вирусли гепатитларда қон иувувчанлигининг ўзгариши ивишнинг 3 та фазасида ҳам аниқланилади. [26, 42, 71]

Кўпчилик муаллифлар вирусли гепатитларда қон ивиш тизимининг узайиши тромбопластик фаоллик ПТИ, V, VII омиллар камайиши, плазма рекальцификация вақтининг чўзилишини. [94]

ПТИ нинг кескин тушиб кетиши прекома ва кома ҳолатларини ривожланиши учун ёмон сифатли лаборатор белги ҳисобланади. [42]

Вирусли гепатит дельтада жигар ва талоқ ўлчамлари катталашади. Қон зардобида боғланган фракцияси ҳисобига умумий билирубин миқдори 3-5 марта, жигар-хужайра ферментлари фаоллиги 4-10 марта, тимол синамаси ошади, ПТИ ва сулема титри сезиларли пасаяди. Касаллик кечиши кўп ҳолларда оғир ўтади, баъзан ёмон сифатли турига ўтиши ўлим билан тугайди, бошқа ҳолларда эса юқори фаол жараёнли сурункали дельта инфекция шаклланади. Шунда касалликни оғирлигини баҳолашда ПТИ га катта аҳамият бериш лозим. [38, 70, 103]

ВГ ларда гемостазни бузилиши патогенезида ҳал қилувчи ўринни плазмадаги қон ивиш омиллари таркибининг камайиши эгаллайди. Жигардаги цитолитик жараённи ялпи ривожланиши протромбин, проакцелерин, проконвертин, қисман фибриноген синтези ва фибринолиз бошқарилиши билан тушунтирилади. [40, 72]

Бизга маълумки, адабиётларда ВГ ларда гемостазнинг тромбоцитар звеносининг ўзгаришлари кам ёритилган.

Ташхис умум қабул қилинган клиник-эпидемиолоик ва лаборатор мезонларга асосланиб қўйилади.

Лаборатор диагностика махсус усулларидан бўлиб, қон зардобида ВГВ антигенларини (HBsAg, HBeAg) ва уларни антитаначаларини (анти-HBc, анти-HBe, анти HBs) аниқланади. ВГВ ни юзаки антигени (HBsAg) касалликни асосий маркери бўлиб ҳисобланади. ВГС да HCV-РНК маркери, ВГД да HDV-РНК маркери топилади. [37, 50, 111]

Барча гепатитларда қон зардобида жигар-хужайра ферментлари фаоллиги ошади, ПТИ пасаяди, диспротеинемия, яна HbsAg, HBeAg ва дельта инфекция маркерлари (дельта антиген ва антииммуноглобулин M) ошиши кузатилади. [44]

Асосий касалликдан ташқари бошқа қўшимча касалликлар бўлган беморларда жигар ҳажми қисқаради, гепатолиенал синдром яққол қўринади, геморрагик ҳолатлар, жигарга боғлиқ бўлмаган белгилар, жигар –хужайра ферментларининг юқори фаоллиги, сулема титрининг паст кўрсаткичи, ПТИ ва диспротеинемияни жадал ривожланиш ҳолати кузатилади. [72, 86]

Оғир ётган беморларда геморрагик синдромлар кузатилади, беморлар овқатдан бош тортади, касаллик бошланишида жигар ўлчамлари катталашади. Жигар чеккаси қовурға равоғидан 2-3 см пастда пайпасланади. Талоқ катталашади. Бу даврда қон зардобида боғланган фракцияси ҳисобига умумий билирубин миқдори ошади, жигар-хужайра ферментлари фаоллиги ошади, ПТИ ва β-липопротеидлар пасаяди. [30, 76]

Муаллифларнинг текширишича беморларда ПТИ га қараб оғирлик даражасини баҳолашда геморрагик синдромнинг клиник белгиларига ҳам аҳамият берилган. Бунда беморларда тери, склерада қон қуйилишлар, бурундан, милклардан инъекция ўрнидан қон кетиш, микрогематурия, меъда-ичак трактидан қон кетиш каби белгилар инобатга олинган. [25, 90]

Беморларда геморрагик синдром белгилари билан биргаликда протромбин комплекси (протромбин, проконвертин, проакцептерин) кўрсаткичларини аниқлаш лозим. Бунда геморрагик синдром белгилари ортиб боришига боғлиқ ҳолда бу кўрсаткичлар миқдорлари камайиб боради.

Бундан ташқари қонда фибриноген А миқдори ортиб, патологик фибриноген В пайдо бўлади. [74]

Асосий клиник комплекс жигар ичи холестази билан бирга кечган сурункали гепатитга хос бўлади. Холестаз сабаби холестерин ва ўт кислоталари метаболизмини бузилиши ва улар эскрециясини гепатоцитлар ва жигарда ўт йўлларини заарланиши оқибатида тўхтаб қолишидир. Асосий белгилар тери кичиши, пигментацияси, ксантомалар, диспептик ўзгаришлар, жигар бироз катталashiши. Жигар белгилари (жигар кафтлари, томирли юлдузчалар) кам кузатилади. Тери кичиши, тирналишлар, уйқусизлик, астеновегетатив ва диспептик белгилар билан кечади. Қонда холестерин, ўт кислоталари, бета-липопротеидлар, умумий липидлар, ишқорий фосфатаза миқдори ошиб, ферментлар фаоллиги ортиши кучли бўлмайди. Диспротенемия ва чўктириш синамалари мусбат бўлади. Узоқ кечганда билиар цирроз ривожланиши мумкин [51, 63, 90].

Текширувчилар орасида қўпчилиги вирусли гепатитларни оғир кечиши патогенези ва ўткир жигар энцефалопатияси (ЎЖЭ) ривожланишига таъсир қиласиган омилларни ўрганишга ҳаракат қилишган. Улардан қўпчилиги «шиш астроглияси» назариясини қўллаб-қувватлашган. Бунда жигар – хужайра етишмовчилиги ёки портокавал шунтлаш, аминокислоталарнинг дисбаланси, марказий нерв тизимидағи қисқа ва ўрта занжирили ёғ кислоталари, меркаптон, фенол, аммиак каби нейротоксинлар таркибининг ортишига қараб шиш ва астроглиялар фаолиятининг бузилишини чақиради. Бунинг учун санаб ўтилагн омиллар ичida аммиакнинг церебротоксик таъсири етакчи патогенетик ўринни эгаллайди. [66, 88]

ЎЖЭ си вирусли гепатитларнинг оғир асоратларидан бири ҳисобланади. Бунда орқага қайтадиган нерв-руҳий бузилишлар, яъни ақл ва хулқнинг ўзгариши ва нерв-мушак тизимидағи бузилишлар киради. [69]

Аммиак одам организмida оқсилларнинг гидролизида аминокислоталарнинг дезамилланиши ва энтероцитларда, буйракда ва скелет мушакларида, шунингдек озиқа оқсилларига ва мочевинага ичак

микрофлорасининг протеолитик таъсири остида глутаминнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Тўқималарда аммиак аммоний NH_4^+ иони тенг миқдорлардаги ионланмаган аммиак NH_3 қўринишида бўлади. Соғлом одам тўқимасида аммиак концентрацияси уни синтези, боғланиши ва элиминациясини бошқарилиш механизми ёрдамида паст даражаларда ушлаб турилади. Аммиакнинг 80% га яқини жигарда орнитин циклида мочевина синтези ва 20% га яқини жигарда, мушакларда ва бош мияда глутамин синтези йўли билан заарсизлантирилади. [90]

Вирусли гепатитларнинг оғир шаклларида, фульминант кечишида ва ЎЖЭ да жигар функциясининг бузилиши,, ҳамда дарвоза венаси тизими оралиғида коллатерал шунтларнинг ривожланишида эндотоксин жигардан заарсизланмасдан ёки жигарни четлаб ўтиб қонга тушади. Бунда аммиак миқдори қон айланиш тизимида токсик даражаларгача (45 мкмоль/л дан ортиқ) ортиб кетади. [85]

Ионланмаган аммиак гематоэнцефалитик тўсиқдан осон ўтади, нейроцитларда АТФ ҳосил бўлиши ва сарфланишини камайтиради, ароматик аминокислоталарни (фенилаланин, тирозин, триптофан) хужайра ичига транспортини стимуллайди, постсинаптик 5-НТ₁-серотонин рецепторларни аффинлигини оширади, γ -оксимой кислота (ГОМК) нейроингибиторлар маҳсулотларини оширади. [87]

Ароматик аминокислоталар тирозин-3-монооксигеназа фаоллигининг камайиши ҳисобига адекват синаптик узатишни, дофамин ва норадреналини синтезида қатнашишни, сохта нейротрансмиттерлар (β -фенилэтаноламинлар, тираминлар ва октопаминалар) ҳосил бўлишини, шунингдек бош мия хужайраларида триптофан метаболизми маҳсулотлари – серотонинни тўпланишини бузади. [74, 101]

Гипераммониемияга ва ЎЖЭ га олиб келадиган омилларга меъда-ичак трактидан қон кетишлиар, юқори оқсили пархез, скелет мушакларини интенсив ишлиши ҳисобига аммиак маҳсулотларининг ортиши, интеркуррент касалликлар, операция муолажаларида портокавал

анаастомозларнинг ўрнатилиши, гипертоксик дори-воситаларни ва спиртли ичимликларни қабул қилиниши киради. Конда аммиак миқдори интестинал микрофлоранинг ҳаётий жараёнларига юқори даражада боғлик. [36]

ВГ да ЎЖЭ ривожланишида аммиак муҳим ўрин тутади. Охирги ийлларда аммиакнинг бир қанча нейротоксик таъсирлари аниқланган. Булар:

- бош мияда водород ионлари транспортини камайиши ва АТФ синтезини пасайиши натижасида малат-аспартат тизими фаолиятининг чегараланиши;
- бош мияда ароматик кислоталар транспортининг стимулланиши оқибатида сохта нейротрансмиттерлар ва серотонин синтезининг кучайиши натижасида гематоэнцефалитик тўсиқ ўтказувчанлигига таъсири;
- уйқу ва хулқ бошқарилишида катта ўрин эгаллайдиган постсинаптик серотонинли 5-HT₁-рецепторлар аффинлигининг ортишига таъсири;

ВГ да аммиакнинг таъсири натижасида ва ички интоксикация оқибатида ўзига хос клиник қўринишлар ҳам намоён бўлади. [12, 86]

Сариқлик пайдо бўлиши билан доимий симптомлар бўлиб: психомотр қўзғалиш, такрорланувчи қон қуйқаси билан қусиш, тахикардия, токсик нафас, қорин дам бўлиши, геморрагик симптомларнинг яққоллиги, тана ҳароратининг кўтарилиши ва диурезнинг камайиши ҳисобланади. Кофе қуйқаси билан қусиш, уйқу инверсияси, талваса синдроми, гипертермия, тахикардия, токсик нафас, жигар ҳиди, жигар ўлчамларининг кичиклашиши симптомларига ахамият бериш керак, чунки бу белгилар факат касалликнинг ёмон сифатли кечишида учрайди. Бу симптомлардан сўнг ёки шулар билан бирга эс-хушини йўқолиши кузатилади. Психомотр бузилишлар даражасига қараб: прекома, кома I, кома II фарқланади.

Прекома – бу шундай ҳолатки, МНС томонидан симптомокомплекс бузилишлар билан характерланади. Психомотор қўзғалишлар адинамия даврлари билан алмашади, уйқучанлик, болалар нигоҳини фиксациялай олмайди, қариндошларини вақти-вақти билан таний олмайди, факат оғриқча ийғлайдилар, қорачиқларнинг ёруғликка реакцияси сақланган, қорин

рефлекслари одатда чақирилмайды. 50% болаларда айрим мушак гурухларида тортишишлар кузатилиб, 1/3 – тоник-клоник талvasалар кузатилади.

Прекомадан сўнг жигар комаси ривожланиб, қўпчилик беморларда 2 босқичга бўлинади: кома I ва кома II.

Кома I доимий эс-хушни йўқлиги, кўрувга ахамият бермайды, бемор қўзғалувчан, қорачиқлар торайган, ёруғлика реакцияси суст, тремор кучаяди, талvasалар кўпаяди. Лекин бу босқичда қучли оғриқли қўзғатувчиларга реакцияси сақланган, ютиш бузилмаган. 50% беморларда тана ҳарорати кўтарилиган. Доимо геморрагик синдром, тахикардия, хансираш, жигар ҳиди, қоринда дам бўлиши, тўқималар рангпарлиги бўлади. Жигар кўпинча қовурға остида пальпацияланади, диурез кескин камайган.

1-2 суткадан сўнг кома II кузатилади, бунда оғриқли, қўзғатувчиларга реакцияси тўлиқ йўқолади, қорачиқлар ёруғликка реакциясиз кенгайган бўлади, корнеал рефлекс йўқолган, нафас Куссмаул ёки Чейн-Стокс типида бузилган, даврий равишда талvasалар бўлиб, пульс 180-200 гача кўпаяди, кучсиз тўлаликда ва кучланишда. Терминал даврда кўпинча сийдик ва ахлат ушломаслик кузатилади. Кома II ўткир кечишида ва ёмон сифатли шаклида бир неча соатдан суткагача ўртача 17 соат ва ўткир ости кечишида 24 соат кечади. [2, 105]

Ҳозирги кунда сурункали вирусли гепатитларда билиар трактда, яъни ўт йўллари, ўт пуфаги ва унинг сфинктерининг мотор-тоник дисфункцияси оқибатида юзага келадиган клиник белгилар касалликни чуқурроқ ўрганишни талаб қилмоқда [21, 50].

Замонавий фармакология жигарнинг сурункали касалликларини янги самарадор воситалар билан даволаш мақсадида изланиш ишларини олиб борди. Охирги йилларда ўз эътиборини ўзида холин ва полиен ёғ кислоталари тутган эссенциал фосфолипидларга қаратди. Полиен кислоталарга бой холинфосфолипидлар ўзининг тузилиши бўйича хужайра мембраналари ва хужайра мембранаси органеллаларини хусусий компонентлари ҳисобланади. Улар

хужайра ўтказувчанлигини ўзгартериш ва бир қатор энзиматик реакцияларда фаол иштирок этиш хусусиятига эга [31, 87].

Билиар система сфинктери тонусини ортишига олиб келадиган дисфункцияларни баратараф этиш учун спазмолитик сифатида папаверин, но-шпа, селектив M_1 -холиноблакатор сифатида гастроцепин тавсия қилинмоқда. Бу препаратлар фақат спазмолитик таъсир кўрсатиб, жигардаги бошқа патологик ўзгаришларга таъсир кўрсата олмаяпти [64].

Хусусан жигардаги патологик ҳолатларга ҳам таъсир кўрсата оладиган, яъни антигипоксант ва антиоксидант таъсирга эга бўлиб, аъзо ва тўқималарни гипоксик ва ишемик шикастланишларини олдини олиш ва даволашда замонавий препарат сифатида актовегин хизмат кўрсата бошлади. Актовегин молекуляр даражада кислородни утилизациясини ва сарфланишини оширади (гипоксияга бардошлиликни оширади), энергетик метаболизмни ва глюкозани сарфланишини оширади. Умуман олганда препарат самараси хужайрани энергетик ҳолатини кучайтириш билан белгиланади [28, 61].

1.4. Болаларда йўлдош қасалликлар билан НСВ-инфекциясининг даволаш мезонларининг хусусиятлари

Қон ивиш жараёнини бошқарилишида жигарнинг ўрни мавжуд бўлиб, кўпгина гемостаз омиллари синтезланади: протромбин, проконвертин ва бошқалар (Баркаган З.С., 1993). Фибриноген жигарнинг ретикулоцитар-эндотелиал хужайраларида, гепарин эса бириктирувчи тўқиманинг семиз хужайраларида ишлаб чиқарилади ва бу моддаларнинг парчаланиши ҳам жигарда содир бўлади (Блюгер В.Ф., 1985). Жигар фибринолиз бошқарилишида қатнашадиган асосий аъзолардан бири хисобланади (Шувалова Е.П., 1982; Galambas G. et Hersh T., 1983\$ Hollinyer A.B. et al., 1985).

Иммунологик бузилишлар билан бир қаторда ВГВ патогенезида микроциркуляция ва гемостаз, хусусан қон ивиши ва қон ивишига қарши

тизимининг ўзгаришлари аҳамиятли ўрин тутади (Козулин Е.В. и Краснова Л.А., 1988).

Ўткир вирусли гепатит С жигар энцефалопатияси билан кечган беморларда гемостаз тизимидағи ўзгаришларни ўрганиш қуидагиларни берди. Изучение изменений в системе гемостаза у больных ОВГВ с печеночной энцефалопатией показало следующее. Ўткир вирусли гепатит В динамикада гемостаз звенисидағи бузилишларни күрсатадиган күпгина күрсатгичлар протромбин ва фибриноген даражасининг пасайиши билан боғлиқ гемокоагуляция ҳолатини намоён этади. Гемостазнинг томиртромбоцитар звеноси фаоллиги касалликни ўткир даврида сақланади. (Богомолов Б.П. ва бош., 1997).

З.С.Баркаган (1993) фикрича, ЎВГС да патофизиологик реакцияларда мураккаб жараён бўлиб, гемостаз тизимидағи ўзгаришларни эгаллади. ЎВГВ оғир жигар етишмовчилиги билан кечганда гемостазнинг бузилиши критик даражага, кўпчилик ҳолатларда массив геморрагик кўринишларнинг ривожланишига, хусусан меъда-ичак тарктидан қон кетишига олиб келади ва ўлим оқибати келиб чиқиши сабабалридан бири бўлиб ҳисобланади. (Ферман Ж. и Феретрате М., 1984; Козулин Е.В. и Краснова Л.А., 1988; Новожинина Е.Б., 1992)

ВГВ да геморрагик синдром ривожланиши ҳавфи юқори бўлганда тромбоцитлар функционал фаоллик ҳолатини назорат қилиш мухим кўрсатма ҳисобланади. (Козулин Е.В., 1983). Якқол ривожланган геморрагияларда тромбоцитлар ва томирлар тизимидағи бузилишлар етакчилик қиласи, гемостатик ва ангиопретектор диционон билан мувозанатлаштиришни талаб қиласи. ВГВ оғир шаклларда геморрагик синдром турлича бўлади: қонда ДВС-синдром, қоннинг коагулологик потенциалининг пасайиши ривожланади.

Ҳозирги вақтга келиб вирусли гепатит С бошқа гепатитлар орасида ўзининг кенг миқёсда тарқалиб бораётгани билан ажralиб туради. Бу эса ўз навбатида нохуш оқибатлар кўпроқ учрашига олиб келади. Вируснинг одам

организмида кўпайиши иммуногенез, касалликнинг клиник белгилари кам ўрганилгани яна бир муаммони келтириб чиқаради.

Айнан ВГС да сурункали гепатит ташхиси клиник, анамнестик, баъзида, лаборатор натижалар бўлмаган ҳолда қўйилади. Бунда қонда фақат вирусга қарши антитаначалар аниқланади.

ВГС ўткир ва сурункали гепатит ва жигар циррози, бошқа аъзолар заарланишини ўз ичига олган HCV инфекциянинг бир муҳим бўлаги сифатида қаралиши керак. (Рыжкова Л.А., 1968).

HCV жуда кўп мутацияга учраб турувчи вируслар ҳисобланади. Баъзи РНК тутувчи вируслар бир-бирига ўхшаш геномлардан тузилган ва одам (ВИЧ-1, ВИЧ-2) ва маймун (ВИО) иммун танқислигини чақиравчи вирусларда ҳам аниқланган. Вирус умумий структураси сақланган ҳолда ишлаб чиқарувчи оқсиllар кетма-кетлиги жуда хилма-хил бўлади. Маълум бир бемор организмида вирус бир неча ёлғон штаммлар тўплами кўринишида учрайди.

Вируснинг 329-341 та нуклеотиддан иборат қисми бўлиб, у HCV нинг деярли барча турида учрайди ва бу қисмидан HCV РНКсини аниқловчи полимераза занжир реакцияси (ПЦР)дан фойдаланилади.

HCV нинг турли генотип ва субтиплари борлиги вирусга қарши иммунитетдан ва вирусга қарши даво чораларидан «қочиб» кетишга имкон яратади. Бунинг негизида организмда вируснинг узоқ вақт сақланиши, жараённинг сурункали шаклга ўтиши ва узоқ вақт вирусга қарши даво ўтказиш лозимлиги ётади.

ВГС қон билан юқувчи касалликлар гурухига киравчи касаллик бўлиб, 80% ҳолларда парентерал йўл билан юқади. Жинсий, майший алоқа, верикал юқиш ҳоллари анча кам учрайди. Жинсий йўл билан юқиши мумкинлиги вируснинг нафақат қонда, балки бошқа биологик суюқликларда (сперма, бачадон шиллиги) ҳам топилиши билан изоҳланади.

Верикал юқишида вирус онадан ҳомилага ҳомиладорлик пайтида (туғма, интранатал) ёки туғилиш пайтида (перинатал) ўтиши мумкин.

Касалланиш хавфи қон препаратларига (қон, плазма, эритроцитар, тромбоцитар масса) ва гемодиализга мухтож беморларда юқори бўлади. Шунинг учун ВГС қон ва буйрак касаллиги бор беморларда тез-тез учраб туради. Аниқланишича, ВГС қон ва қон препаратлари қуийлганда 10% ҳолларда, венага наркотик қабул қилувчиларда 65% ҳолларда ва бошқа йўллар билан 25% ҳолларда юқар экан.

Мавсумийлик хос эмас, касаллик кўпроқ 15-30 ёшгача бўлган беморларда кўпроқ учрайди [65, 123].

ВГС қон билан юқувчи касалликлар гурухига кирувчи касаллик бўлиб, 80% ҳолларда парентерал йўл билан юқади. Жинсий, майший алоқа, вертикал юқиш ҳоллари анча кам учрайди. Жинсий йўл билан юқиш мумкинлиги вируснинг нафақат қонда, балки бошқа биологик суюқликларда (сперма, бачадон шиллиғи) ҳам топилиши билан изоҳланади.

Вертикал юқишида вирус онадан ҳомиладорлик пайтида (туғма, интранатал) ёки туғилиш пайтида (перинатал) ўтиши мумкин.

Касалланиш хавфи қон препаратларига (қон, плазма, эритроцитар, тромбоцитар масса) ва гемодиализга мухтож беморларда юқори бўлади. Шунинг учун ВГС қон ва буйрак касаллиги бор беморларда тез-тез учраб туради. Аниқланишича, ВГС қон ва қон препаратлари қуийлганда 10% ҳолларда, венага наркотик қабул қилувчиларда 65% ҳолларда ва бошқа йўллар билан 25% ҳолларда юқар экан.

Мавсумийлик хос эмас, касаллик кўпроқ 15-30 ёшгача бўлган беморларда кўпроқ учрайди. (14, 35, 78, 188).

Беморларнинг 15-25% да касаллик тўлиқ соғайиш билан тугайди. Қолган ҳолларда эса касаллик сурункали шаклга ўтиб, аста-секин узоқ вақт йиллар оралиғида жигар циррозига, кам ҳолларда жигар бирламчи ракига ўтади.

Кўп ҳолларда касаллик аста-секин кучайиб боради. Беморларнинг 15% да касаллик ўз ҳолича тўхтайди, 25% да эса касаллик белгисиз, ферментларнинг нормал фаоллиги ёки бироз кўтарилиши билан кечади, яъни

40% беморлар клиник соғаядилар. Адекват даво яхши оқибатлар салмогини оширади [45, 79, 108]

В, С ва Д вирусли гепатитларини даволаш учун бир қатор вирусга қарши препаратлар мавжуд (вирусли гепатит А ва Е, шунингдек ўткир, циклик, яхши сифатли кечадиган гепатитларда вирусга қарши препаратларни тайинлаш күрсатма ҳисобланмайди). Уларга киради: альфа-интерферонлар (табиий ва рекомбинант), қайтувчи транскриптазалар нуклеозидлари ингибиторлари (ламивудин), нуклеозидларнинг синтетик аналоглари (рибавирин, ремантадин). Ўткир гепатитларда этиотроп даво сифатида В гепатит ва Д гепатитларда инфекцион жараён қўзгатувчи репликацияси (HBeAg мусбат, ДНК HBV, РНК HDV) билан юқори фаолликда кечганда, шунингдек сурункалига ўтишга мойиллик юқори бўлганда тайинлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун альфа-интерферон, унинг рекомбинантлари (реаферон, реальдирон, интрон А, роферон-А, пегилирланган интерферон) ва натив (одамнинг лейкоцитар интерферони, вэллферон) препаратлари қўлланилади. Альфа-интерферон парентерал ҳафтасига 3 марта 3-6 млн МЕ дан (пегилирланган интерферон ҳафтасига 1 марта 1,0-1,5 мкг/кг дан) ВГВ ва ВГД 3 ойгача ва ВГС да 6 ойгача тайинланади. Бундай усул билан даволашда bemorda сурункали ўтиш ВГВ да 5 марта ва ВГС да 3 марта камаяди.

Вирусли гепатитларда аёвчи тартиб ва пархездан ташқари витаминалар комплексини ўртacha миқдорларда қўллаш тавсия этилади. Қўшимча равишда аскорбин кислотаси билан бирга рутин (аскорутин 1 табл. дан кунига 3 маҳал) бериш мумкин. Пигментлар кризи бўлмаган ҳолатларда касаллик авж олиши бошланишидан 1 ҳафта давомида энтеросорбентлар (микрокристалли целлюлеза ёки АНКИР-Б 2,0-3,0 г дан; гидролизли целлюлеза - полифепан, билигнин 0,5-1,0 г/кг, қўмирли гранулали сорбентлар СКН-П, КАУ, СУГС ва бошқалар) қўлланилади. Энтеросорбентлар одатда кечкурун овқатдан ёки доридан 2-3 соатдан кейин ичилади. Дорилар ёки овқат билан биргаликда ичиш мумкин эмас. (38, 69, 115).

Сурункали гепатитлар - В, С, дельта вируслар чақирадиган ва жигарда узоқ вақт кечадиган (б ойдан ортиқ) яллиғланиш – дистрофик ва некротик үзгаришлар ҳисобига ривожланади. Касаллик узоқ вақт турғун кечувчи гепатоспленомегалия, гиперферментемия, диспротеинемия билан кечади.

Гистологик жиҳатдан касаллик кетишига қараб сурункали персестив гепатит (СПГ яхши оқибатли) ва сурункали фаол гепатит (СФГ) тавофт қилинади. Бу икки ҳолатни бир-биридан фарқ қилиш клиникасига қараб ажратилади. Бунда гистологик текширувлар ёрдам беради. СПГ оралиқ пластинкани парчаламайды, яллиғланиш жараёни фақат портал майдон йұналиши бўйлаб ривожланади (портал гепатит). СФГ да эса оралиқ пластинка заарланади, яллиғланиш жигар бўлакчаларга тарқалади. Агар яллиғланиши инфильтрацияси бўйлаб бириктирувчи тўқима ҳосил бўлса ва тугунча – регениратлар ҳосил бўлса, жигар цирози ўтаётган СФГ ҳақида гап боради. (19, 65, 127).

1.5 I Боб бўйича хulosса

Ўткир юқумли ичак касалликлари хозирги кунга қадар соғлиқни сақлашнинг олдида долзарб муаммурлардан бўлиб келмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра хозирги кунда 170 млн дан ортиқ инсонлар HCV-инфекцияси билан оғриган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2010 йил маҳлумотларига кўра 100 минг аҳолига 34,3 кишини ташкил қилади, болаларда эса 100 минг болага 1,84 болани ташкил қилади. Сурункали гепатит С жигар хасталигини асосий сабабчиси ҳисобланади. Вирусли гепатит С юқумли касалликлар ичида етакчи ўринларда туради.

Ўткир гепатитнинг 85% сурункали гепатитга ўтиши натижасида жигар циррози, гепатоцеллюляр карцинома каби асоратларга олиб келади ва ўлим ҳолатлари кўп бўлганлиги сабабли юқори иқтисодий йўқотишларга олиб келиши ҳаммага маълум. МДҲ мамлакатлари учун вирусли гепатит С марказий муаммолардан бири ҳисобланади.

Сурункали гепатит С ўзининг долзарблиги ва муҳимлиги билан инфекцион касалликлар ичида иқтисодий муаммоларга олиб келиши билан юқори кўрсаткичларни ташкил этади. Вирусли гепатит С геномининг вариабеллиги кўплаб типлар ва вируснинг квазивидларини шаклланишига олиб келди. Охирги маълумотларга кўра 6 та генотип ва кўплаб квазивидлар аниқланди. Сурункали гепатит С асоратлари, уларнинг интерферон препаратига юқори қаршилиги аниқланди. Бугунги кунда замонавий ташхислаш вирусли гепатит С билан оғриган болаларда генотипини аниқлаш клиник кечиши ва даволашнинг самарадорлигини баҳолаш асосий аҳамиятга эга.

Болаларда HCV-инфекцияси Ўзбекистон худудида тарқалиши кенг ўрганилган. Илмий изланишда болаларда HCV-инфекциясининг йўлдош касалликлар билан бирга кечганда клиник-лаборатор хусусиятлари ўрганилди. Бунда касалликнинг бошланғич белгилари, клиник сиптомларнинг намоён бўлиши ва кечиш давомийлиги, даволаш чора-

тадбирлари қўлланилганда вирусга қарши препаратларнинг имкон қадар кам зарарли, болаларга мос мутаносибини танлаш жараёнлари тасдиқланди.

Охирги йилларда касаллик сабаблари ва тарқалиш ҳоллари ҳақида янги маълумотларни ва билимларни ўрганишга қарамай бу касаликни тобора ортиб бориши кузатилмоқда. Касалликнинг сурункали турига ўтишда экологик омиллар, шароит таъсири, этиотроп даволаш ва патогенетик даволашнинг баъзи ҳолларда самарадорлиги, баъзида эса фойдасизлиги сабаблари охиригача ўрганилмаган. Шу сабабдан бемор иммун системасидаги ўзгаришларни ўрганиш, ҳам организмнинг ҳимоя сифатини, ҳам жигарнинг қай даражада заарланишини ўрганишга қўл келади.

Вирусли гепатит С нинг субклиник ва сурункали ўткир иннапаранттурда кечиши организмнинг иммунореактив ҳолатини қай даражада эканлигидан далолат беради., яъни касалликни субклиник ва иннапарант шаклда кечиши организмнинг иммун реактив хусусиятини тўлиқ эмаслиги ва касалликнинг чўзилган, сурункали турига ўтишига сабаб бўлади. Беморларда бирор бир сурункали йўлдош касалликлари бўлса, бундай bemorларда вирусли гепатит С касаллигининг кечиши кўпчилик ҳолларда сурункали формага ўтиши кузатилади. Бу ҳам организмнинг иммун тизимида турли хил ўзгаришлар борлигидан далолат беради ёки иккиламчи иммунотанқислик ҳолатларида ҳам касаллик кўпчилик ҳолатларда ёмон оқибат билан тугалланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сурункали гепатит С билан оғриган болаларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида ташхисини қўйиб, касалликнинг асоратлари ривожланиб кетишига қадар даво муолажаларини бошлишни талаб этади. Айниқса йўлдош касалликлари мавжуд болаларда сурункали гепатит С нисбатан эрта вақтда ўз асоратлари билан намоён бўлади. Шунинг учун йўлдош касалликлари бўлган bemor болаларда гепатит С вируси аниқланадиган бўлса, бу bemorларни ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиласди.

П БОБ

МАТЕРИАЛЛАР ВА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

2.1. Текшириш материаллари

Текшириш материаллари ва усуллари. Илмий тадқиқот иши ЎзР ССВ Вирусология илмий текшириш институти клиникасида олиб борилди. Бунинг учун 30 нафар HCV-инфекцияси билан оғриган bemор болалар ва 30 нафар bemор HCV-инфекцияси йўлдош касалликлари бўлган bemор болаларда ўрганилди.

Материаллар ва усуллар. 2016-2018 йиллар давомида 3 ёшдан 18 ёшгacha HCV-инфекцияси билан оғриган 60 та bemор бола текширилди. Tekширишлар ЎзР ССВ нинг Вирусология ИТИ клиникасида олиб борилди. Tekширишни олиб бориш учун bemорлар 2 та гурӯҳга – асосий ва назорат гурӯҳларига бўлиб ўрганилди. Назорат гурӯҳдаги bemорларда фақат HCV-инфекцияси аниқланиб вирусли гепатит С ташхиси қўйилган бўлса, асосий гурӯҳдаги bemорларда HCV-инфекцияси йўлдош касалликлари билан бирга кечган ҳолати ўрганилди.

2.2. Текшириш усуллари.

Тадқиқотни олиб бориш давомида қўйидаги клиник ва лаборатор текшириш усулларидан фойдаланилди.

1. Объектив қўрув маълумотлари
 - A) анамнестик маълумотлар
 - Б) клиник белгилар
2. Лаборатор текшириш усуллари.
 - А) Умумклиник таҳлиллар: қонсийдик ва нажаснинг умумий таҳлили.
 - Б) Биокимёвий таҳлиллар (АЛТ, АСТ, Билирубин ва унинг фракцияси, тимол синамаси).
3. Серологик текшириш усуллари (ИФА, ПЗР).
4. Иммунологик текширув.
5. Асбоблар ёрдамида текшириш: УТТ, жигар фиброскани.

Бемор болаларни умумклиник текширишда бола онасининг шикоятига, боланинг умумий аҳволига, касалликнинг клиник кечишига, клиник белгиларига аҳамият берилди.

Беморлар анамнезида суриштирилганда барча bemорлар шифохонага келишдан олдин асосий гуруҳдаги болалар анамнезида болаларда тез-тез бетоб бўлиб туриши, уй шароитида турли инъекцияларнинг қабул қилганлиги, қон касалликлари билан оғриган bemорларда эса қон препаратларининг қуйилганлиги, онкологик хасталиклар аниқланган bemор болаларда жарроҳлик муолажаларининг ўтказилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари асосан сурункали гепатит С учун хос бўлган сурункали дармонсизлик, иштаҳа сустлиги, қорин соҳасида вақти-вақти билан оғриқларни ҳис қилиб туриши каби белгиларга эътибор қаратилди. Бундан ташқари кўриш ва текшириш жараёнида bemорларда йўлдош касалликларни аниқлашга ҳаракат қилдик ва йўлдош касалликлардан рахит, камқонлик, қон касалликлари, онкологик касалликлар, зотилжам билан оғриб туриши бўлганларни текшириш гуруҳига киритишга ҳаракат қилдик.

Беморларга лаборатор текширувлар ўтказилганда касалхонага келган кунининг биринчи кунидан бошлаб барча bemорлардан умумий қон ва сийдик таҳлилига олинди. Бу таҳлиллар шифохона лабораториясида анъанавий усулларда текширилди.

Асосий ва назорат гуруҳидаги bemорларда қонда биокимёвий кўрсаткичлар, АЛТ, АСТ ва билирубин кўрсаткичлари текширилди.

Текширишлар мобайнида қоннинг биохимик таҳлилида трансаминалар (АЛТ, АСТ) фаоллиги, билирубин ва унинг фракциялари аниқланди. Соғлом одам қон зардобининг аминотрансфераза фаоллиги унча катта эмас. У AcAT учун 0,1 — 0,45 мкмоль/соат мл, АлАт учун 0,1-0,68 мкмоль/соат мл.

Қонда АЛТ, АСТ фаоллиги текшириш методикаси

Текшириш тартиби:

Текширилувчи материал: янги қон зардоби.

Реактивлар: фосфат буфери, 0,1 М (рН 7,4) эритмада; 14,2 натрий гидрофосфат 1 л дистилланган сувда эритилади (0,1 М); 13,6 г калий дигидрофосфат 1 л дистилланган сувда эритилади (0,1 М); Буфер эритма тайерлаш учун 840 мл 0,1 М натрий гидрофосфат ва 160 мл 0,1 М калий дигидрофосфат эритмалари аралаштирилади.

Керакли анжомлар: ФЭК, микропипеткалар, термостат.

Бажариладиган иш тартиби: АлАТ фаоллигини аниклаш. (КФ 2,6, 1,2). Битта назорат ва битта текширув пробиркасига 0,5 мл субстрат қуйилади (аланин ва альфа-КГК, янги эритилган аралашма) ва 37⁰С ли сув ҳаммомига 5 дақиқага қўйилади. Сўнгра тажриба пробиркасига 0,1 мл қон зардоби, текширув пробиркасига 0,1 мл дистилланган сув ва 0,5 мл 2,4-динитрофенилгидрозин эритмасидаи иккала пробиркага солинади. Пробиркалар 37⁰С ли термостатда 30 дақиқадан сўнг олинади ва тажриба пробиркасига 0,5 мл 2,4-ДФГ эритмаси солиб аралаштирилади. Реакция кетиши учун хона ҳароратида 20 дақиқа қолдирилади. Сўнгра ҳар қайси пробиркага 0,4 н натрий гидроксид эритмасидан 5 мл дан солиниб, яхшилаб аралаштирилади ва хона ҳароратида ранг ҳосил бўлиши учун 10 дақиқа қолдирилади. Унинг оптик зичлиги 10 мл ли кюветада ФЭК нинг яшил нур фильтри (500 — 560 нм), текширув аралашма қархисида ўлчанади. Фермент фаоллиги тайёр ўлчов эгри чизигига биноан ҳисобланади. Фермент фаоллиги бир мл қон зардоби учун нисбий бирликда ифодаланади.

АлАТ нинг бир бирлиги ферментнинг муайян шароитда бир мкг пироузум кислота ҳосил қила оладиган фаоллигига тўғри келади. Фермент фаоллигини ўлчашда қон зардбининг суюлтирилган даражаси ҳисобга олиниши керак:

$$x=a \cdot 10$$

х — фермент бирлиги.

10 — бир мл ҳисобга ўтказиш. 0,1 мл қон зардбидаги ўлчов эгри чизигидан топилган пироузум кислотанинг мкг даги миқдори.

Ушбу усул билан аниқланган соғлом одам қон зардбидаги

аминотрансфераза фаоллиги 8 дан 40 гача.

Бир мл қон зардобини 37°C да 1 соат давомида инкубациялаш натижасида ҳосил бўлган пироузум кислотанинг микромолда ифодаланган фермент фаоллиги қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{АлАт} = x \cdot 10/88$$

X — 0,1 мл қон зардобининг ўлчов эгри чизигидан топилган микдори, 88 — бир мкмоль пироузум кислотанинг оғирлиги, АлАт нинг 37°C да бир соатда аниқланган коэффициенти.

10 — бир мл қон зардобига ўтказиш учун ҳисоблаш коэффициенти.

Қонда АсТ фаоллиги ҳам худди АлТ дагидек аниқланади. Фақат субстрат эритма таркибида альфа-аланин ўрнига альфа-аспарагин бўлади.

Қонда билирубин ва унинг фракцияларини текшириш методикаси

Билирубин ва унинг фракциялари умумқабул қилинган Йендрашек усулида текширилди. Соғлом одамлар қон зардобидаги умумий билирубин микдори 1,7-20,5 мкмоль/л, эркин билирубин 1,7-17,1 мкмоль/л, боғланган билирубин 0,86-4,3 мкмоль/л га teng.

Текшириш техникаси:

Текширилувчи материал: қон зардobi.

Реактивлар: Сульфанил кислотанинг 0,5% ли эритмаси, натрий нитратнинг 0,5% ли эритмаси, кофеин реактиви, натрий гидроксиднинг 30% ли эритмаси.

Керакли анжомлар: пробиркалар, пипеткалар, бюреткалар, ФЭК, 1 см қалинликдаги кюветалар.

Бажариладиган иш тартиби: битта текширув, битта назорат пробиркалари тайёрланади. Диазоаралашма сульфанил кислотанинг 5% ли эритмасидан 10 мл олиб 0,3 мл 0,5% ли натрий нитрат аралашмаси билан аралаштирилади.

Текширув ва назорат эритмалари яхшилаб аралаштириладида 20 дақиқага қоронғу жойга қўйилади. Сўнг яшил нур фильтри (500-560 нм

түлкін узунлигидаги) қаршиисида колориметранади. Агар ҳосил бўлган ранг оч бўлса, колориметрлашдан олдин иккала пробиркага 3 томчи 30% ли натрий гидроксид эритмаси солинади. Бу ҳолда ранг яшил тусга, билирубин микдори жуда кўп бўлса кўк тусга киради, кўпинча эритма тиниқлашади. Бу вақтда эритма ФЭК нинг қизил нур фильтрида колориметранади. Унинг микдори ўлчов эгри чизиги бўйича ҳисобланади.

Қонни вирусли гепатит С га ИФА усулида текшириш методикаси

Вирусли гепатитларнинг этиологик қўзғатувчиларини аниқлаш учун барча беморларда серологик усуллардан асосан, иммунофермент анализ (ИФА) усулида текширилди.

Текшириш техникаси: ВГС га текшириш учун.

Планшет ҳар бир лункасига кўп каналли пипетка ёрдамида 100 мкл РС (зардобни суюлтириш учун эритма) қўйилади. Кейин A1 лункага 50 мкл K⁺HCV AT (назорат мусбат зардоби) қўшилади. B1, C1 ва D1 лункаларга 50 мкл дан K-HBV AT (назорат манфий зардоби) қўшилади. Колган лункаларига 50 мкл дан текширилаётган зардоб намуналаридан солинади. Бунда эритмалар солинган лункаларга зардоб қўшиш вақтида 3 мартадан аралаштириш керак. Планшетга зардоб қўшиб бўлингандан кейин лункаларга маҳсус юпқа лента ёпиштирилади. Сўнгра планшет олдиндан қиздирилган +42±1⁰C ҳароратдаги термостатга жойлаштирилади ва 40±1 дақиқа инкубация қилинади. Инкубациядан кейин планшет 60 сонияли оралиқ билан буфер юувучи эритмада 6 марта ювилади. Ювилган планшетни ҳар бир лункасига 100 мкл дан тайёрланган конъюгат эритма қўшилади, планшет ёпиштирилади, ва 30±1 дақиқа +42±1⁰C ҳароратда инкубация қилинади. Инкубациядан кейин яна юқоридагидек ҳолатда планшет ювилади. Сўнгра планшетга янги тайёрланган хромоген (ТМБ) эритмасидан 100 мкл қўшилади ва қоронғу жойда хона ҳароратида 20 дақиқа инкубация ўтказилади. Реакция ҳар бир лункага 50 мкл дан стоп-реагент қўшиш билан тўхтатилади. Реакция тўлқин узунлиги 450 нм ли спектрофотометрда ёрдамида оптик зичлигини (ОП) саналиб, рўйхатга олинади.

Агар ўртача оптик зичлиги манфий назорат зардобида ОПср К⁻ 0,200 оптик бирликдан ошмаганды, мусбат назорат зардобида ОП К⁺ 0,500 оптик бирликдан кам бўлмаганды реакция ҳисобга олинади.

Критик оптик зичлик формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{ОП}_{\text{кр}} = 0,1 + \text{ОП}_{\text{ср}} K^{-}$$

Зардоб намуналари оптик зичлиги ОП_{кр} дан кўрсаткичларидан юқори бўлса мусбат, ОП_{ср} дан кам бўлса манфий бўлади.

Қонни вирусли гепатит С га ПЗР усулида текшириш методикаси

Бу реакция К.Мюллис томонидан 1983 йилда таклиф этилган бўлиб, у ўзининг янгилиги учун Нобел мукофотини олган (1993). Бу янгилик молекуляр биология ва тиббиёт соҳасида оламшумул воқеа бўлди. Шуни таъкидлаш лозимки, реакциянинг асосий компоненти бўлган термостабил ДНК-полимераза ферментининг олиниши ва хусусияти А. Каледин ва ҳаммуаллифлар томонидан 1980 йилда чоп этилган (фермент *Thermus aquaticus* бактериясидан олинган).

Полимераза занжирли реакция молекуляр гибридизация каби, ДНК нинг денатурация ва ренатурация бўлиш хусусияти ва ДНК занжирининг комплементарлигига асосланган. Реакциянинг янги муҳим ҳолатларидан бири – термостабил ДНК-полимеразанинг қўлланилишидир. ДНК-полимераза иштирокида аниқланаётган генларнинг (вируснинг ёки бактериянинг) ёки улар бўлакларининг (маълум нуклеотид кетма-кетлигига эга ДНКси) кўпайиши – амплификация содир бўлади. Реакция натижасида текширилаётган ирсий материал кўп микдорда тўпланиб қолади ва осон аниқланиб, идентификация қилинади. Бу реакциянинг юқори сезгирилиги айнан генлар ёки унинг бўлакларининг амфликациясига асосланган.

Реакцияда қўйидаги ингредиентлар қатнашади:

текширилаётган биологик материалдаги вируслар ёки бошқа инфекцион агентларнинг аниқланаётган ДНКси;

2 хил типдаги праймерлар (олигонуклеотидлар) – нуклеотидлар кетма-кетлигига эга ДНК нинг қисқа занжири. Бу занжир аниқланаётган ДНК нинг

иккала ипига ҳам комплементар бўлади. Праймерлар турли хилдаги вируслар ва бактериялар нуклеин кислотасидан олинади, уларнинг нуклеотид кетмакетлиги секвенирования усулида аниқланади;

Эркин нуклеотидлар – амплификацияни амалга ошириш учун керак бўладиган материал;

термостабил ДНК-полимераза ферменти – эркин нуклеотидлардан комплементар ДНК занжирларини ҳосил қиласди; бу фермент фақатгина *Thermus aquaticus* бактериясидан эмас, балки, ген инженерияси усули билан ҳам олинади;

ПЗР нинг моҳияти шундаки, текширилаётган биологик материал ДНК си денатурацияга учратилади. Сўнгра 2 хил типдаги праймерлар қайта тикланиш даврида ДНК икки ипининг 3, охирига бирлашади ва комплементарликка асосланиб ушбу участкада икки ипли ДНК тузилишини тиклайди. Термостабил ДНК-полимераза эркин нуклеотидлардан фойдаланиб ДНК занжирининг кейинги тикланишларини амалга оширади, бунга праймерлар “затравка” бўлиб хизмат қиласди.

ПЗР нинг битта циклидан сўнг аниқланаётган ДНК молекуласи икки марта ортади (битта ДНК матрицасидан иккита нусха пайдо бўлади), яъни ДНК амплификацияси юз беради. Одатда амплификациянинг 25-40 та цикли ўтказилади ва 2-3 соатдан сўнг вируслар ва бактериялар ДНК си маҳсус бўлагининг миллионлаб нусхалари олинади (формула бўйича: 2^n , бу ерда n цикллар миқдорига teng).

Полимераза занжирли реакция ҳароратнинг алмашинуви автоматик равишда бошқариладиган амплификаторда 0,5-1,5 мл ли микроцентрифуга пробиркаларда ўтказилади. Амплификациянинг ҳар 3 та босқичида – ДНК денатурацияси, қайта тикланиш ва элонгацияда – намуналар турли хилдаги ҳароратда инкубация қилинади.

Денатурация – 90-95°C ҳароратда 0,5-1,0 дақиқа қиздирилганда текширилаётган икки ипли ДНК занжирининг иккига ажралиши.

Отжиг (қайта тикланиш) – комплементар праймернинг бирикиш жойида аниқланаётган икки занжирли ДНК тузилишининг тикланиши – 40-600С да 0,5 дақиқа.

Узайиш (элонгация) – термостабил ДНК-полимераза ёрдамида ДНК занжирларининг дастлабки ҳолатигача узайиши – 70-75⁰С да 2-5 дақиқа давомида.

Амплификация циклидан сўнг ДНК нинг борлиги полиакриламид гелда электрофорез ёрдамида ёки авторадиография (изотоплар билан нишонланган эркин нуклеотидлар иштирок этадиган реакция) усулида аниқланади. ПЗР – юқоримахсусликка эга реакциядир: агар текширилаётган намуна праймерларга комплементар бўлмаса, реакция натижаси манфий бўлади.

ПЗР ёрдамида нафақат ДНК даги нуклеотидлар кетма-кетлиги, балки РНК ни, яъни РНК тутувчи вирусларни ҳам аниқлаш мумкин (бунинг учун реакцияга қайтар транскриптаза киритилади).

Шундай қилиб, ПЗР юқорисезгирликка ва маҳсусликка эга бўлган молекуляр-генетик текшириш усули бўлиб, вируслар ва бошқа кўплаб патоген агентларнинг борлигини аниқлашга имкон беради. Усул, асосан, латент вирусли инфекциялар ва ОИВ-инфекциясининг ташҳисотида бебаҳодир. ПЗР бруцеллез, легионеллез, микобактериоз ва вабо ташҳисотида ҳам қўлланилади (вабо вибрионидаги энтеротоксин синтез қиласиган генни аниқлайди).

Охирги йилларда ПЗР юқумли касалликлар лаборатория ташҳисотида экспресс-усул сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. ПЗР қўлланаётган инфекциялар (ҳам вирусли, ҳам бошқа этиологияли) доираси сезиларли кенгайяпти. ПЗР ни қўйиш услублари такомиллашяпти, унинг ҳар хил модификациялари таклиф қилинганди.

Масалан, миқдорий ПЗР ишлаб чиқилди. Бунда текширилаётган материалда маҳсус нуклеотидлар кетма-кетлигининг концентрациясини аниқлаш ва унинг кўпайиши ёки камайишини кузатиб бориш мумкин бўлади.

Бундай назорат касалликнинг оқибатларини енгиллаштириб, қўлланаётган даволашнинг самарадорлигини баҳолашга имкон беради.

Жигар эластографиясини фиброскан аппаратида текшириш тартиби ва методикаси

Эластометрия методикаси FibroScan мосламаси орқали амалга оширилиб, 15 йил олдин Француз олимлари томонидан тадбиқ этилган. Ташки кўринишидан Фиброскан ультратовуш аппаратидан деярли фарқ қилмайди. Курилма текширишни амалга ошириш учун эргомик датчик билан жихозланган, шунингдек монитор жигарни фибросканлаш маълумотларини кўрсатиб туради.

Эластометрия ўтказиш техникаси ҳам худди УТТ ташхисотига ўхшаш бўлади:

- текшириш орқа билан ётган ҳолатда қорин очиқ бўлиб, ўнг қовурға равоги бўйлаб бажарилади;
- тери бўйлаб датчикни ҳаракатлантириш вақтида экранда кўринган маълумотлар кўрсаткичи қайд этиб борилади.

Жигар фибросканининг устунлик томони шундаки, нафақат фиброз тўғрисида аниқ маълумот олишни, балки динамикада жараённи қузатиб боришини ҳам таъминлайди.

Муолажани ўтказиш учун кўрсатмалар:

- турли кўринишдаги гепатитлар, хусусан вирус этиологияли гепатитларни кечишини;
- алкогизиз ёғли гепатозлар белгиларини;
- алкогол касалликларида стеатогепатитга шубҳа бўлганда;
- аутоиммун жараётларда жигарнинг заарланишини (қизил волчанка, цирроз ва б.);
- тугма жигар касалликлари симптомларини

Жигар фибросканига кўрсатмалар:

- қандли диабет, ортиқча вазн ташхиси билан тасдиқланганда;

- холецистит симптомлари, цитомегаловирусли инфекцияга шубҳа бўлганда;
- холестерин миқдори қўтарилигандан, қон кўрсаткичлари бузилганда;
- цирроз борлигига шубҳа бўлганда, шунингдек гепатитларда;
- аъзонинг аномал қўринишларида;

Беморни тайёрлаш

Фибросканга тайёрланиш қийинчилик туғдирмайди ва муолажа оғриқсиз бўлганлиги сабабли текшириш учун bemorларга қўрқув уйғотмайди. Текширувчи шифкор учун ягона чеклов бўлиб, текширишдан 4-6 соат олдин охирги марта овқатланиш тушунтирилади. Жигар фибросканига текширишдан 3 кун олдиндан газ ҳосил қилишуни кучайтирадиган маҳсулотларни истеъмол қиласлиқ, алкоголли ичимликлар ва турли доривоситаларини ичмаслик лозим бўлади.

Фибросканлаш жараёнининг бориши

- bemor күшеткага орқаси билан ётқизилади, қориннинг олд ўнг ён тарафи ва кўкрак қафасининг пастки қисми очиқ бўлади;
- датчик текширилаётган аъзо соҳасига қўйилгандан bemor эркин ҳолатда ётади;
- мутахассис 20 дақиқа ичида жигар тўцимаси қаттиқлагини фиброскан аппарати ёрдамида аниқлайди;

Натижаларни таҳрирлаш

Натижаларни баҳолаш биопсия учун маҳсус ишлаб чиқилган Metavir морфологик шкаласи ёрдамида бажарилади.

Фиброз даражаси кўрсаткичлари	Фиброскан натижаси килопаскалда, кПа	Жароҳатланган аъзонинг эластиклик натижалари
F0	Зичлик 6,2 дан паст	Фиброз йўқ, жигар соғлом
F1	Фиброскан кўрсаткичи 6,3-8,2	Фиброзли ўзгаришларнинг бошланғич босқичи белгилариз

F2	Тўқима қаттиқлиги 8,3-10,8	Ўртacha ривожланган фиброз
F3	Тўқима қаттиқлиги 10,9-14,0	Тўқиманинг яққол жароҳатланганлиги орқага қайтмас жараёнлар билан
F4	Тўқима қаттиқлиги 14,0	Гепатоцитлар сонининг кескин камайиши, яққол цирроз


Фибросканлашнинг устунлиги:

- текширишни амбулатор бажариш мумкин, госпитализация ва анестезия талаб этилмайди;
- оғриқсиз муолажа бўлганлиги сабабли реабилитация даври зарур эмас;
- эластометрия тери бутунлиги бузилишисиз ўтказилади, қон кетиши, инфицирланиш истисно этилади;
- натижаларнинг аниқлиги текширувчи учун маҳорат талаб қилмайди, хулосани фиброскан қурилмасининг ўзи тайёрлаб беради;
- текширишни жигарнинг турли касалликларида ўтказиш мумкин, натижалар текшириш тугаши билан тайёр бўлади.

Текширилган 2 гурӯҳдаги беморларнинг тақсимланиши:

- назорат гурӯх – 30 та 3 ёшдан 18 ёшгача HCV-инфекцияси билан оғриган болалар;
- асосий гурӯх – 30 та 3 ёшдан 18 ёшгача HCV-инфекцияси йўлдош касалликлар билан бирга кечиши (***-диаграмма).

1-диаграмма. Текширилган bemор болаларнинг гурухлар буйича таксимланиши, % да.



Беморларда асосан асбобий текширишлардан УТТ дан фойдаланилди. Бунинг учун EDAN-DUS-320 русумли УТТ аппарати қўлланилди. Текширишлар наҳорда bemорларда оч қоринда касалликнинг 1-2 кунида ўтказилди. Айрим ҳолатларда bemорларнинг жигарининг ҳолати даволаш давомида динамикада ҳам текшириб турилди.

III БОБ

НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. НСВ-инфекцияси аниқланган беморларда натижаларнинг клиник таҳлили

Илмий тадқиқот иши ЎзР ССВ Вирусология илмий текшириш институти клиникасида олиб борилди. Бунинг учун 30 нафар НСВ-инфекцияси билан оғриган бемор болалар ва 30 нафар бемор НСВ-инфекцияси йўлдош касалликлари бўлган бемор болаларда ўрганилди.

2016-2018 йиллар давомида 3 ёшдан 18 ёшгacha НСВ-инфекцияси билан оғриган 60 та бемор бола текширилди. Текширишлар ЎзР ССВ нинг Вирусология ИТИ клиникасида олиб борилди. Текширишни олиб бориш учун bemорлар 2 та грухга – асосий ва назорат грухларига бўлиб ўрганилди. Назорат грухдаги bemорларда фақат НСВ-инфекцияси аниқланиб вирусли гепатит С ташхиси қўйилган бўлса, асосий грухидаги bemорларда НСВ-инфекцияси йўлдош касалликлари билан бирга кечган ҳолати ўрганилди.

Кузатувимиздаги 3 ёшдан 18 ёшгacha булган 60 та бемор болаларга 1994 йил Лос-Анжелосдаги гепатологлар конгрессида қабул қилинган классификация асосида сурункали гепатит С ташхиси қўйилди. Текширилган bemорларнинг 100% и ўзи ота-онаси ҳамроҳлигида оиласи поликлиника ва гепатомарказ йўлланмаси билан шифохонага мурожат қилган.

Бемор болалар ўртасида жинсига қараб ўғил болалар – 22 (55%), қиз болалар – 18 (45%) (2-жадвал).

2-жадвал

Беморларнинг жинсига қараб тақсимланиши

Ёши	Асосий гурух		Назорат гурухи		Жами
	Ўғил болалар	Қиз болалар	Ўғил болалар	Қиз болалар	
3-5 ёш	1	2	2	1	6
5-7 ёш	3	3	3	2	11
8-14 ёш	4	2	4	3	13
15-18 ёш	8	7	9	6	30
Хаммаси	16	14	18	12	60

Жадвалдан кўриниб турибдики, вирусли гепатит С кўпроқ ўғил болаларда учраган ва бу 8 ёшдан катта болаларда кузатилган. Чунки кичик ёўдаги болаларда 8 ёшга қадар текшириш учун кўрсатмалар ҳам бўлмаган, бундан ташқари гепатит С ни юқтириш хавфи шу ёшга қадар жудаа кам бўлган. 8 ёшгача учраган ҳолатларда ҳам асосан қон препаратларининг куйилиши, тез-тез инъекциялар олиб туриши сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Ушбу bemorlarning asosiy kismida kasalxonaga kelgandagi onasining shikояtlari: ixtaşa sustligi, darmonsizlik, ung qovurfa ravoqi ostida ofirlik xissi, vaqtı-vaqtı bilan peshob ranginинг tўqlashiб қолиши (3-jadval).


Tekshiruvdagi bemorlar obyektiv kўruv vaqtida klinik belgilari aniklandi.

Беморлар клиник белгиларнинг учраши бўйича тақсимланиши

3-жадвал

Шикоятлар	Учраш курсатгичи	
	Назорат	Асосий
Иштаҳа сустлиги	30	30
Дармонсизлик	30	30
Қовурға равоғи остида оғриқ	18	20
Пешоб рангининг тўқлашиши	20	24

2-диаграмма



Беморларнинг анамнестик маълумотлари ва клиник курув маълумотларига асосланиб барчасида турли преморбид фонларини мавжудлиги аниқланди. Баъзи bemорларда бир вақтнинг ўзида бир нечта йўлдош касалликлар мавжудлиги кузатилади. Беморлардаги преморбид йўлдош касалликлардан рахит, камқонлик ва қон касалликлари аниқланганларини текширув гуруҳига киртилди. Вирусли гепатит С билан

оғриган күп учрайдиган йўлдош касалликлар ажратиб олинди. Бунда асосан рахит, камқонлик, қон касалликлари (сурункали лейкоз, гемофилия, геморрагик васскулит) билан оғриган болалар қўпроқ кузатилди. Шунинг учун юқоридаги касалик билан оғриган болалар танлаб олинди. Танлаб олинган беморлар орасида қон касалликлар билан оғриган 8 ёшдан 18 ёшгacha бўлган болалар кўпроғини ташкил қилди. (4-жадвал, 2-диаграмма).


4-жадвал

Беморларда йўлдош касалликларни учраши

	Рахит	Анемия	Қон касалликлари	Жами
3-5 ёш	1	-	2	3
5-7 ёш	-	2	4	6
8-14 ёш	-	-	6	6
15-18 ёш	-	4	11	15
Хаммаси	1	6	23	30

3-диаграмма

Бемор болаларда преморбид фоннинг учраши.




■ 3-5 ёш ■ 5-7 ёш ■ 8-14 ёш ■ 15-18 ёш

Қон касаллардан билан оғриган беморлар нозология бўйича ўрагниб чиқилганда қуидаги тақсимланди (4-диаграмма).

4-диаграмма

Қон касалларини нозология бўйича тақсимланиши



Сурункали лейкоз Гемофилия Геморрагик васкулит

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, бемор болаларнинг 10 нафарини сурункали лейкоз билан оғриганлар, 6 нафарини гемофилия, 7 нафарини геморрагик васкулит билан оғриган беморлар ташкил қилди. Анамнезидан ушбу беморлар тез-тез даво муолажалари олиб туради, бундан ташқари қон препаратлари бир неча марта қуйилган. Вирусли гепатит С нинг юқиши эҳтимоли деб, шу омиллар олинган.

3.2. НСВ-инфекцияси аниқланган беморларда лаборатор- инструментал текширувлар таҳлили

Беморларни ўрганиш жараёида нафақат клиник-эпидемиологик омилларга балки лаборатор-инструментал текширув маълумотларига асосланилди. Бунинг учун барча bemорлар умумклиник лаборатор текширувлар, яъни умумий қон таҳлили, умумий пешоб таҳлили, умумий нажас таҳлили текширилди. Бундан ташқари bemорлардан биокимёвий таълиллар, яъни аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартатаминотрансфераза (АСТ), умумий билирубин ва унинг фракциялари, умумий оқсил, қондаги қанд микдори, мочевина, тимол синамаси текширилди.

5-жадвал


Биокимёвий қон таҳлилларининг ўртача кўрсаткичлари

Таҳлил номи	Ўлчов бирлиги	Асосий гурух	Назорат гуруҳи
АЛТ	U/L	124,6±8,4	98,5±7,9
АСТ	U/L	82,7±6,9	66,3±6,4
Умумий билирубин	Мкмоль/л	46,7±3,4	38,6±3,1
Эркин билирубин	Мкмоль/л	26,3±2,8	20,2±2,5
Боғланган билирубин	Мкмоль/л	20,4±1,6	18,4±1,7
Умумий оқсил	г/л	54,7±4,2	59,4±3,8
Глюкоза	Ммоль/л	5,2±1,2	4,9±1,1
Мочевина	Ммоль/л	8,4±1,8	7,3±1,6
Тимол синамаси	Ед	7,1±1,3	6,3±1,2

Юқоридаги 5-жадвалдан кўриниб турибдики, назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда барча кўрсаткичлар нисбатан юқори бўлди. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, асосий гуруҳдаги bemорларда йўлдош касалликлари бўлганлиги сабабли биокимёвий кўсаткичларни ошиб кетишига олиб келган бўлиши мумкин.


5-диаграмма

Биокимёвий қон тахлилларининг ўртача кўрсаткичлари



Йўлдош касалликлари мавжуд bemорларда биокимёвий кўрсаткичларнинг

таксимланиши



6-жадвал

Йўлдош касалликлари мавжуд беморларда биокимёвий кўрсаткичларнинг тақсимланиши

	Рахит	Анемия	Қон касалликлари
АЛТ	$82,1 \pm 5,3$	$106,6 \pm 7,2$	$124,6 \pm 8,4$
АСТ	$46,3 \pm 4,6$	$64,2 \pm 5,6$	$82,7 \pm 6,9$
Умумий билирубин	$29,5 \pm 2,4$	$35,7 \pm 3,1$	$46,7 \pm 3,4$
Эркин билирубин	$12,3 \pm 2,2$	$14,8 \pm 2,2$	$26,3 \pm 2,8$
Боғланган билирубин	$17,2 \pm 1,3$	$19,9 \pm 1,9$	$20,4 \pm 1,6$
Умумий оқсил	$59,9 \pm 5,6$	$56,8 \pm 4,1$	$49,7 \pm 4,4$
Глюкоза	$4,1 \pm 1,05$	$5,6 \pm 1,4$	$6,3 \pm 1,9$
Мочевина	$6,3 \pm 0,9$	$7,8 \pm 1,6$	$9,4 \pm 1,8$
Тимол синамаси	$5,2 \pm 1,1$	$8,3 \pm 1,2$	$9,2 \pm 1,6$

6-жадвалдан кўриниб турибдики, рахит, анемия ва қон касалликларида барча биокимёвий кўрсаткичлар меъёридан юқори қўрсаткичда бўлган. Фақат қондаги қанд миқдори меъёрида бўлган.

Сурункали гепатит С билан оғриган барча беморларда ИФА таҳлили ўтказилди. Бунда текширилувчиларнинг барчасида, яъни асосий ва назорат гурухидаги беморларда ИФА таҳлилида antiHCV мусбат натижা берди.

Вирусли гепатит С билан оғриган болаларнинг барчасида ПЗР (полимераза занжирли реакцияси) усулида вируснинг сифатий ва миқдорий текширувлари ўтказилди. Сифатий текширув ўтказилганда асосий ва назорат гурухидаги беморларнинг барчасида HCV RNA мусбат эканлиги аниқланди. Шундан сўнг асосий ва назорат гурухидаги 60 наффар беморларда ПЗР усулида миқдорий текшириш аниқланди (7-жадвал). Бундан ташқари барча беморларда С гепатит вирусининг генотипи аниқланди. Шунда жадвалдан кўриниб турибдики, асосан 1b ва 3 генотип кўпроқ учраши маълум бўлди.

Адабиётлардан ҳам маълумки, Марказий Осиё давлатларида 1 ва 3 генотип кўп кузатилади.

7-жадвал

Асосий назорат гуруҳидаги беморларда ПЗР усулида миқдорий текширилганда аниқланган қўрсаткичларнинг ўртача миқдори

Текшириш усули	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ		
		Рахит	Анемия	Қон касалликлари
ПЗР сифатий (мусбат)	30 нафар мусбат	1 нафар мусбат	6 нафар мусбат	23 нафар мусбат
ПЗР миқдорий (МЕ/мл)	756 000	847 000	1 352 000	2 480 000

8-жадвал

Сурункали гепатит С билан оғриган болаларда касаллик генотипининг учраши

	1a	1b	3	4	Жами
Асосий гуруҳ	5	12	9	4	30
Назорат гуруҳи	6	15	8	1	30
Жами	11	27	17	5	60


7-жадвалдан кўриниб турибдики, йўлдош касалликлари бўлган асосий гуруҳ беморларида ПЗР миқдорий усулда текширилганда вирус юкламалар сони назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан юқорироқ бўлган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, йўлдош касалликлари бўлган бемор болаларда иммун тизимида танқисликлар бўлганлиги сабабли вирусларга нисбатан кушарувчанлик қобилияти сустроқ ривожланган бўлади ва вирусларнинг фаоллиги ортиб боради. Бу беморларда натижада жигар тўқималарида ҳам

ўзгаришлар тезрок вужудга келиб, жигар циррозининг вақтлироқ ривожланишига олиб келади.

Асосий ва назорат гурухидаги bemorлар стационар шароитида даволаниш вақтида УТТ дан ўтказилди. Бунда bemorларда сурункали гепатит, сурункали холецистит, спленомегалия, иккиламчи панкреатит каби эхокўринишлар аниқланди.

7-диаграмма

Сурункали гепатит С билан оғриган болаларда касаллик генотипининг учраши



9-жадвал**УТТ да эхокўринишлар бўйича bemorlarning taqsimlaniishi**

	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ		
		Рахит	Анемия	Қон касалликлари
Сурункали гепатит	30	1	6	23
Сурункали холецистит	19	-	4	22
Сplenomegалия	18	1	3	23
Иккиламчи панкреатит	6	-	2	11

9-жадвалдан кўриниб турибдики, УТТ да назорат гурухидаги bemorlarغا нисбатан асосий гурухидаги bemorlarning кўпчилик қисмида қўшимча асоратлар ҳам аниқланган, яъни 26 нафар bemor болаларда сурункали холецистит, 26 нафар bemorlarда splenomegалия, 13 нафар bemor болаларда иккиламчи панкреатит аниқланган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, splenomegалия инфақат С гепатита асорати, балки, қон касалликларида ҳам талоқнинг ўлчамлари катталашиши кузатилади. Шунинг учун қон касалликлари бўлган bemorlarning барчасида талоқнинг ўлчамлари катталашиши кузатилган.

Асосий ва назорат гурухидаги барча bemorlarда жигарнинг фиброскан текшируви ўтказилди. Бунда фиброз даражаси METAVIR шкаласи бўйича баҳоланди. Жадвалдан кўриниб турибдики, Назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда кўпчилик bemor болаларда фибрознинг юқори даражалари, яъни F3 ва F4 аниқланди. Бу шундан далолат берадики, касаллик назорат гуруҳига нисбатан тезроқ жигарда фиброз ривожланиб бораётганлигини кўрсатади ва натижада жигар циррозининг эрта ривожланишига олиб келади.


10-жадвал

Фиброскан текширувида фиброз даражасининг учраши

	F1	F2	F3	F4	Жами
Асосий гурух	2	11	14	3	30
Назорат гурухи	4	13	11	2	30
Жами	6	24	25	5	60

8-диаграмма

Фиброскан текширувида фиброз даражасининг учраши



III бобга бўйича хулоса

